

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**«АГРОНОМИЯ» ФАКУЛЬТЕТИ
«КАСБ ТАЪЛИМИ (Агрономия)» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

«Ўсимликшунослик ва пахтачилик» кафедраси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
факультет декани

Доцент. К. Комилов
«__» _____ 2014 йил

«Ҳимояга руҳсат этаман»
кафедра мудири

Катта ўқитувчи И.Рўзиев
«__» _____ 2014 йил

**«Агрономия» факультети
«Касб таълими (Агрономия)» таълим йўналиши
4-босқич 1-гуруҳ талабаси
Сайфудинова Гулузрайхоннинг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Дончилик фанидан амалий машғулотларни
янги педагогик технологиялар асосида
ўқитишни ўрганиш»**

Илмий раҳбар:

қ.х.ф.н., доцент С.Турсунов.

Андижон – 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«АГРОНОМИЯ» ФАКУЛЬТЕТИ

«КАСБ ТАЪЛИМИ (Агрономия)» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

«Ўсимликшунослик ва
пахтачилик»
кафедраси мудири

қ.х.ф.н. С.Абдурахмонов
«___» _____ 2013 йил

4 босқич 1 -гуруҳ талабаси Сайфудинова Гулузрайхонга

Битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

1. «___» _____ 2013 й № _____ ст буйруқ билан тасдиқланган.
2. Мавзу: «Дончилик фанидан амалий машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитишни ўрганиш»
3. Битирув малакавий ишини тугатиш вақти «1» 04. 2014 й.
4. Битирув малакавий ишини бажариш учун керакли маълумотлар Янги педагогик технология бўйича ўтилаётган фанлар маълумоти, Мавзуга оид адабиётлар, илмий мақолалар, интернет маълумотлари, Фаннинг ўқув режаси, фан дастурлари
5. Битирув малакавий ишини асосий бўлимлари Кириш, Адабиётлар шарҳи, Педагогик қисм, Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. Дончилик фаннини ўқитиш услубиётининг умумий масалалари хулосалар

6. Жадваллар рўйхати. Мунозара машғулотининг технологик харитаси, Баҳс-мунозарани ўтказиш схемаси. «Дончилик» фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши.

7. Битирув малакавий ишини режаси.

№	Битирув малакавий ишининг қисмлари	Асосий қисмни бажариш вақти	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш	Апрел-май 2013 йил	
2	Адабиётлар шарҳи	Май-июль 2013 йил	
3	Педагогик қисм	Август-Декабр 2013 йил	
4	Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти	Январ-март 2014 йил	
5	Дончилик фаннини ўқитиш услубиётининг умумий масалалари	Март-Апрел-2014 йил	
6	Хулосалар	Апрел 2014 йил	

8. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1				
2				

Топшириқ берилган вақт «15» апрел 2013 йил

Иш раҳбари:

С.Турсунов

Талаба:

Г.Сайфудунова

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
1.АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	6
II. ПЕДАГОГИК ҚИСМ.	22
2.1. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти.....	22
2.2. «Дончилик» фанини муаммоли ўқитиш технологияси моҳияти, мазмун ва амалда қўллашнинг шарт-шароитлари	29
3. ДОНЧИЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	36
3.1. «Дончилик» фанини ўқитиш услубиётининг тартиб-қоидалари.	36
3.2. «Дончилик» фанининг назариясини ўқитиш услубиётлари.	40
3.3. «Дончилик» фани бўйича «Ғалла дон экинлари» бўлими мавзуларини ўқитиш методикаси.	42
3.3.1. Ўқитиш жараёнини ташкил қилиш методикаси.....	42
3.3.2. Фанларни ўқитишнинг интерфаол усуллари.....	43
3.3.4. Маърза машғулотларини ўқитиш методикаси.	59
4. ХУЛОСАЛАР.....	67
5. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	69

КИРИШ

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизimini ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимда ортиқча такрорийликка чек қўйиб, аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий -техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилади.

Узлуксиз таълим чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларининг мукамал уйғунлигидан иборатдир. Узлуксиз таълим сифатини турли компоненталар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усуллар ва услубларнинг таълим жараёнига оқилона татбиқ этилиши таъминлайди.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талаба (ёки ўқувчи)нинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида ***мустақил ишлаш*** самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларининг талаба

(ёки ўқувчи)ларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги **вазифаси** ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот - таълим муҳити шароитида **мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилona фойдаланишга ўргатишдан** иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда *мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш* зарур.

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини куриш йўлидан бораётган бир пайтда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожланиши асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимининг амал қилишига эришишдир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохотларни кўзда тутди. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий-жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услубиёт билан амалда таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали шахснинг ҳар томонлама баркамол фуқаро бўлиб етишишини кўзда тутди. Шахс эса, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашда таълим хизматларининг истеъмолчиси, иштирокчиси ҳамда ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади.

Шахс таълим хизматларининг ишлаб чиқарувчиси сифатида билим ва тажрибани талаба (ёки ўқувчи)га узатишда, моддий ишлаб чиқариш муҳити шароитида, шунингдек, фан, маданият ва хизматлар кўрсатиш соҳаларида

иштирок этади. Шу сабабали, таълимнинг белгиланган вазифаларидан бири юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий таълим дастурлари асосида тайёрлашдан иборат. Таълим муассасаси ўсиб келаётган шахсни ўқитиш жараёнида уларга таълим олиш шароитларини яратади. Талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимга эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг йўналтирилган бўлиши ўқитувчи фаолиятининг масъулиятини оширади. Таълим муассасаси ўқитувчисининг малакаси махсус ва педагогик фанлар билан ёритиладиган икки қиррага эга бўлиши лозим ва у доимо: "Нима учун ўқитиш керак?", "Қандай ўқитиш керак?" деган саволларга жавоб топиши, шунингдек, таълим-тарбия хусусиятлари эътиборга олинган билимларга асосланган бўлиши лозим.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг энг йирик тармоғи - қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга эришиш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш Республика агросаноат мажмуасининг асосий вазифаси ҳисобланади ва бу деярлик илмий асосланган илмий-минтакавий тизимларини жорий этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу вазифани бажаришда ўсимлик маҳсулотлари етиштириш технологиясини тубдан тушунадиган, яъни ер, сув, органик ва минерал озиқ моддалари, қуёш қуввати, механизация ва ишчи кучларидан самарали фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш муҳим масаладир.

Бугунги кунда жадал ривожланаётган фермер хўжаликлари мутахассислари, одамлар учун қимматбаҳо маҳсулотлар берадиган ўсимликларни етиштиришга оид билимларини ҳар томонлама пухта мустаҳкамлашлари лозим.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари инсон учун қимматбаҳо маҳсулотлар берадиган ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларнинг етиштириш технологиясини барча элементларини яхши ўзлаштиришлари ҳамда уларни амалда татбиқ эта олишлари лозим.

Қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларида бу соҳа учун етук малакали кичик мутахассислар тайёрланади. Ўқувчиларда «Дончилик» фани бўйича чуқур билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришда фанни тўғри ва сифатли қилиб ўқитиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада ўқув адабиётлари, дарсликлар, методик қўлланмаларнинг аҳамияти каттадир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида сўзлаган нутқида: «Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса катта танлов асосида яратиш лозим. Танлов ғолибларидан маблағни аямаслигимиз лозим», деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими муассасаларини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш, талаба-ўқувчиларни комил инсон қилиб етиштиришга қаратилган дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Чунки баркамол авлод тарбиясини ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашни замонавий адабиётларсиз тасаввур этиш мушкул.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар бевосита эркин фикрлайдиган, чуқур билим ва кўникмалари шаклланган, рақобатбардош етук мутахассисларни тайёрлашда таълим соҳасида янги педагогик инновацион технологияларни қўллашга қартилгандир.

1.АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратишдан иборат.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохотлари кўзда тутилган. Бунинг учун, аввало, узлуксиз таълим тизимининг барча шаклдаги таълим муассасаларида таълим жараёни сифатини таъминловчи илғор илмий-методик жиҳатдан асосланган услубларни амалда қўллаш лозим. Фан, техника ва илғор технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг мақсад, мазмун, услуб ва воситаларини илмий жиҳатдан таъминлаш педагогика фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, шу пайтгача ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларда касбий билим ва иш ҳаракат усуллари таркиб топтиришни асосий мақсад қилиб қўйилган бўлса, эндиликда илмий билимларга асосланиб муаммолар ечимини топиш, хулоса чиқариш, ташкилий ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этишга қодир мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилади

Миллий таълим тизимида касб-ҳунар коллежларининг алоҳида бир ўқув муассаси сифатида пайдо бўлганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Шунингдек, ўзбек педагогика илми ва амалиётига интерфаол усул тушунчасининг кириб келиши ҳам жуда узоқ тарихга эга эмас. Бинобарин, ҳозирча бу борадаги илмий ишларнинг саноғи унчалик кўп бўлмаслиги табиий. Лекин дунё педагогикасида XX аср бошларида пайдо бўлиб, ўша асрнинг олмишинчи йилларида шаклланган ва аср охирларида бизга кириб кела бошлаган интерфаол усуллардан фойдаланишнинг у ёки бу жиҳатлари борасида бир қатор тадқиқот ишлари қилинган. Д.Дьюи, Э.Берн, С.Занько, В.В.Петрусинский, А.Казаков, А.Якушев, М.Кларин, В.Гузеев, Г.Селевко, А.Гин ва бошқа чет эллик олимлар ўз тадқиқотларида турли даврларда турли

таълим муассасаларида интерфаол усулларни қўллаш йўллари тўғрисида ўз қарашларини билдирганлар.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам ўқитиш жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш йўллари тўғрисида бир қатор изланишларни амалга оширишган. Айниқса, Б.Фарберман, Д.Сафин, Р.Мусина, Қ.Хусанбоева, Ш.Юсупова, С.Одилова, Ф.Эгамбердиева, Қ.Қиясова, М.Жуманиёзова, А.Ҳайитов, Н.Боймуродов каби тадқиқотчилар ўз илмий ишларида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаш муаммосининг турли жиҳатларига тўхталишган.

Инсонни ақлий ривожлантириш масаласи кишилик жамияти таракқиётининг барча босқичларида мутафаккирлар ҳамда файласуф, тарихчи, психолог ва педагог олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Буни, Шарқ алломалари томонидан яратилган илмий-ахлоқий асарларда кўриш мумкин.

Қомусий олимлар – Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг баркамол инсоннинг ақлий тарбиясида илм-фаннинг ўрни ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Таълимни самарали ташкил этишда педагогик технология назариясидан фойдаланиш, мазкур назария моҳияти, тамойиллари, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини белгилаш ва мақсаднинг натижаланганлигини ўрганиш каби масалалар Н.Азизхўжаева, В.П.Беспалько, М.Т.Громова, Ж.Йўлдошев, М.Кларин, Е.А.Крюкова, М.М.Левина, Мила Новик, В.М.Монахов, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов, Б.Фарберман ва бошқа тадқиқотчилар томонидан очиб берилган.

Таълим-тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан

кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияларга айланиб бормокда. Худди шу каби таълим-тарбия соҳасида ҳам сўнгги йилларда педагогик технология амал қила бошлади.

Ишлаб чиқаришдаги технологияда турли материалларга ишлов бериш тегишли касб усталари томонидан амалга оширилади. Педагогик технологиянинг мазмуни эса ўқитувчи, тарбиячи томонидан ўқувчи (таълим олувчи)га ақлий, руҳий, ахлоқий жиҳатдан турли усулда таъсир ўтказишдан иборатдир.

Педагогик технология тушунчаси XX асрда пайдо бўлди ва турли ривожланиш босқичларидан ўтиб келмокда.

Дастлаб бу тушунча 1940- йиллардан 50- йиллар ўртасигача „таълим технологияси“ деб қўлланилиб, ўқув жараёнида аудио-визуал техника воситаларидан фойдаланишни ифода қилган.

Педагогик технология тушунчаси дастлаб XX асрнинг ўрталарида АҚШда қўллана бошлаган. Бунда „педагогик технология“ ва „таълим технологияси“ атамалари фақат техника воситалари ёрдамида ўқитишга нисбатан қўлланган эди.

Вақт ўтиши билан уларни қўллаш даражаси кенгайиб бориши натижасида мазмуни ҳам тегишлича ўзгариб борди. Ҳозирга келиб эса педагогик технология тушунчасининг замонавий, илмий асосланган ягона таърифини белгилаш мақсадида бир қанча йирик олимлар томонидан турли фикр ва мулоҳазалар асослаб берилди.

Ўтган асрнинг 50- йиллари ўртасидан 60- йилларгача „таълим технологияси“ атамаси қўлланилиб, бунда дастурлаштирилган таълим назарда тутилган.

70- йилларда „педагогик технология“ атамаси қўлланилиб, у аввалдан лойиҳалаштирилган ва аниқ белгиланган мақсадларга эришишни кафолатловчи ўқув жараёнини ифодалаган.

1979 йилда АҚШнинг Педагогик коммуникациялар ва технологиялар ассоциацияси томонидан педагогик технологияга қўйидагича таъриф берилган эди: „Педагогик технология билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олувчи муаммони таҳлил қилиш ва режалаштириш, муаммонинг ечимини баҳолаш ва уни бошқарувчилар, ғоялар, воситалар ва фаолиятни ташкил қилиш усуллари ўз таркибига оладиган комплекс интегратив жараёндан иборат...”.

80-йилларнинг бошидан педагогик технология деб таълимнинг компьютерли ва ахборот технологияларини яратишга айтилган.

Хўш, илғор педагогик технология ўзи нима, уни анъанавий ўқитиш усулидан қандай афзалликлари бор?

Сўнгги йилларда Республикамизнинг таниқли педагог-олимлари ва тажрибали амалиётчи ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнига педагогик технологияни жорий этиш бўйича самарали изланишлар олиб борилаётганлиги бизга маълум. Педагогик технология тушунчаси илмий мақолаларда, анжуман маърузаларида, хисоботлар ва даврий нашрларда ҳам ўз аксини топмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Республикамизнинг таниқли олимлари Р.Х.Жўраев, У. Н. Нишоналиев, Н. С. Сайидахмедов, Б. Л. Фарберман, Россия педагог-олимлари; В. П. Беспалко, В. С. Безрукова, М. В. Кларин ва бошқалар ҳамда Қозоғистонлик олимлар М. Ж. Аристанов ва Ж. С. Хайдаров ўз илмий тадқиқотларида «педагогик технология» тушунчасининг моҳиятини ва ахамиятини очиқ беришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўқитишга технологик ёндашиш, яъни ўқув жараёнини ҳам ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчан характерга эга бўлишини таъминлашга оид дастлабки изланишлар ўтган асрнинг 50-йилларида америкалик педагог олимлар томонидан олиб борилган. Хусусан, «ўқитиш технологияси» ибораси ҳам биринчи марта америкалик олим Б.Скиннер томонидан ишлатилган. У - «ўқитиш технологияси-психология фани

йотуқларининг педагогик амалиётда қўлланишидан иборат», деб таърифлаган [2;12].

Бунга асосан шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда «педагогик технология» тушунчасига «янги», «илғор» ва «прогрессив» каби сўзларни қўшиб айтилиши ҳам нисбий мазмунга эга. Хусусан, Ўзбекистонда ўқитишга технологик ёндашишни оммалашмаганлигининг сабаби, бу усулни «тест» ва «бихевиоризм» тушунчалари билан боғлиқлиги, собиқ иттифоқ микёсида улардан педагогик амалиётда фойдаланишни узоқ вақт маън қилинганлигидир.

Лекин, ҳаққонийлик нуқтаи назардан шуни таъкидлаш лозимки, буюк педагог А.С.Макаренко ўтган асрнинг 30-йилларида бундай деган эди: «Бизнинг педагогик ишлаб чиқаришимиз ҳеч қачон технологик мантиқ асосида қурилмаган, балки у ахлоқий вазхонликка асосланган. Айнан шунинг учун ҳам: технологик жараён, меҳнат операцияларини ҳисобга олиш,... ёрдамчи ускуналар, меъёрлаш, қўйимлар, яроқсиз маҳсулотлар бўлими каби, ишлаб чиқаришга хос бўлган муҳим бўғинлар унда ўзидан-ўзи иштироксиз қолмоқда» Ҳозирга кунда жаҳон педагогикасида «педагогик технология» тушунчасига 12 хил таъриф берилганлиги маълум

Масалан: «Таълим технологияси илмий ва бошқа билимларнинг амалий масалаларни ҳал этишда тизимли равишда қўллашдан иборат». (Голбрайт).

«Педагогик технология таълимини тизимлаштириш ёки синфда ўқитишни тизимлаштириш ғояларини педагогикага тадбиқ этишдан иборат» (Т.Сакомато).

«Педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган барча шахс, амалий ва услубий воситаларнинг тизимлашган мажмуи ва уларни фаолият кўрсатиш тартиби».(Кларин М.В. 1999 й).

Юқоридаги таърифларда педагогик технологиянинг туб моҳияти ўқув жараёнига тизимий ёндашишдан иборат эканлиги яққол кўзга ташланади.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан педагогик технология тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

«Педагогик технология-таълим шакллари ни мақбуллаштириш учун инсон ва техник ресурсларни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда, ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимий услубидир».

Россия психологи Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек (2002 й), таълим тизимида педагогик технология иборасини пайдо бўлишига қуйидагилар сабаб бўлган:

- 1) дидактика қоидаларини барча мамлакатларда, хусусан АҚШда кенг тарзда оммалашмагани;
- 2) унинг қоидалари ўта конструктив характерга эга бўлмай, замон талабидан орқада қолиб кетганлиги;
- 3) асримизнинг 60-йилларида таълим тизимига техникани-ўргатувчи машиналарни кириб келганлигидир.

Тегишли адабиётларни таҳлил қилиш «педагогик технология» тушунчаси ўзининг ривожланиш тарихига эга эканлигини кўрсатди. Хорижий мутахассислар бу тушунчанинг ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисоблайдилар. Биринчи босқичда, ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчининг ўзи олиб борар эди.

Н.Ф.Тализина таъкидлаганидек (2003) «Инсон тажрибаси ўқитиш технологияси функциясини бажарган» Иккинчи босқичда эса, дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошлагандан сўнг - ўқитиш технологияси мазмунида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчига ёрдам берувчи турли дидактик материаллар вужудга кела бошлади. Учинчи босқичда эса, ўқитиш технологияси мазмун жихатдан янада бойиди; ўқитувчи ва талабалар учун юқоридагилар қаторига техник воситалар, яъни ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди.

Ўргатувчи машиналарни ўқув жараёнида қўлланиши натижасида дастурланган таълим тушунчаси вужудга келди. У педагогик технологиянинг

дастлабки ўхшатмаси эди. Лекин, дастурланган ўқитиш тарафдорларининг «ўқитишини оғзаки баён қилиш услубидан воз кечиш вақти келди, машина ўқитувчи шахсини бемалол алмаштириши мумкин», деб эҳтиётсизлик билан айтган фикрлари амалиётчи педагогларни ўта хайратга солди, назариётчи педагоглар эса уни қатъий эътироз билан қабул қилдилар.

Бу ўринда, дастурланган таълим хақида америкалик педагог У. Шрамминг (2006) қуйидаги фикрини мисол тариқасида келтириш мумкин: - Дастурланган ўқитиш - бу автоматик репетитор бўлиб, у талабани:

- 1) мантикий ўзаро боғлиқ, қисқа қадамлар орқали;
- 2) деярли хато қилдирмасдан;
- 3) тўғри жавоб беришга йўллайди ва у;
- 4) ўз ўрнида баҳоланиб мустахкамланиши натижасида;
- 5) ўқитиш мақсадларини белгиловчи аниқ жавобларга кетма-кет равишда яқинлаштириб боради.

Демак, бундан таълим жараёнида ўқитувчи шахсини батамом инкор этилади, деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам, дастурланган таълим ўша даврда ўқитишни аниқ мақсадларини белгилашнинг замонавий шакли бўлишига қарамай, фанда ва педагогик амалиётда ўз ривожини топмади.

Лекин, ўша йиллар жахон педагогикасида техник воситаларни ривожлантириш ва уларнинг хонадаги барча талабаларни қамраб олиши, ахборот сиғими ва ахборот ўтказиш қобилиятларини ошириш, ўқув ахбороти узатиш каналини индивидуаллаштириш каби таълим бериш имкониятларидан унумли фойдаланишни такомиллаштиришга оид муаммоларга алоҳида эътибор берилга бошланди. Кўпчилик мутахассис олимлар ўқув жараёнида кенг қўлланилаётган одатдаги оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) ўрнига ЭХМ, ахборот сақлашнинг компьютерлаш-тирилган тизими, лазерли алоқа канали, микроэлектрон қурилмалар ва бошқа янги ахборот воситаларидан фойдаланишга ўтиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўтган асрнинг 50-йиллар ўртасида жахон педагогикасида ўқув жараёнини тўла-тўқис янги, ўзига хос «технологик» усулда ташкил этишга ёндашиш вужудга келган эди. 60-йилларда эса, ўқитиш услубларининг ўта турли-туманлиги улардан ўқув жараёнининг ташкил этишда фойдаланишни қийинлаштираётганлиги этироф этила бошланди. Шунинг учун ҳам, барча услублар учун умумий бўлган илмий асос яратиш зарурати туғилди. Натижада, педагогик услублар технологияси ёки ўқув жараёнининг ташкил этиш технологияси, яъни «таълим технологияси» (ан Едикатионал течнологу) тушунчаси вужудга келди.

АҚШда 1961 йилдан «Педагогик технология» журнали чиқарила бошланди. Шунингдек, Англияда «Педагогик технология ва ўқув жараёни» (1964 йилдан), Японияда «Педагогик технология» (1965 йилдан), Италияда ҳам шунга ўхшаш журнал (1971 йилдан) чиқа бошлаган. ЮНЕСКО 1971 йилдан бошлаб таълим бўйича халқаро бюронинг «Педагогик технологиялар» бюллетенини чиқариб келмоқда [12]. Россия Федерациясида эса 1997 йилдан бошлаб «Мактаб технологиялари» журналы таъсис этилди [6;75].

Шуни таъкидлаш лозимки, «педагогик технология»ни «ўқитиш технология» тушунчаси билан айнийлаштирмаслик зарур. Чунки, педагогик технологияда ўқув жараёнининг аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилашдан бошлаб, то якуний ўқув натижаларга эришилганликни назорат қилишгача бўлган жараённи лойихаланади.

Э. Френье (1998) «услуг» тушунчаси конструктив характерга эга бўлмаганлиги учун, унинг ўрнига «технология» тушунчасини таклиф этган. Демак, ўқитиш технологиялари (муаммоли ўқитиш, ривожлантирувчи таълим, модулли ўқитиш, дидактик ўйинлардан фойдаланиш ва х.к.) педагогик технология бўйича лойихаланган ўқув жараёнини амалга оширишнинг турли дидактик конструкциялари сифатида намоён бўлади.

Педагогик технологиянинг туб мохияти, ўқитишнинг анъанавий оғзаки баён қилиш усулидан воз кечиб, талабаларни кўпроқ мустақил таълим

олишга ундашдан иборат. Бунда ўқитувчи талабалар билиш фаолиятининг бошқарувчиси, маслахатчи, якуний натижага йўлловчи шахс вазифасини бажаради.

Педагогик назариялар йиғиндиси ҳисобланган педагогикада катта ҳажмда назарий ва амалий билимлар тўпланган бўлишига қарамай, XX аср иккинчи ярмигача машҳур педагогларнинг биронтаси қайта тикланадиган, яъни издошлари томонидан улар ўтган юқори самарали дарсларни ўзларига ўхшаб ўтиш имконини берадиган педагогик жараён андозасини ишлаб чиқишмаган. Бунинг боиси, машҳур педагоглар услуби таркибида ўзларининг шахсий сифатларини етакчи ўринни эганлаганлигидадир. Маълумки, жамият таркибида машҳурликка даъвогар буюк шахслар жуда ҳам оз. Бизга эса, улар ҳар бир мактабда, ҳар бир лицей ва коллежда, ҳар бир олий ўқув юртида, ҳар бир синф ва дарс хоналарида керак. Бунга етишишнинг бирдан-бир йўли – машҳур педагогларнинг дарсини педагогик технология шаклига солиб, лойиҳасини тузиш ва кўпайтиришдир.

Технологик ёндашув ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойиҳалаштирилган. Улар ишлаб чиқаришда керакли натижаларга эришиш гарови ҳисобланади. Бу технологияларни қўллаш вақтида ҳудуд ва уларнинг ижрочиси ўзгарса ҳам, керакли маҳсулот чиқаверади. Таълим-тарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чиқилди.

Бу иш биринчи бор АҚШ олимлари Б.Блум, Д.Кратвол, Н.Гранлунд, Дж. Керролла, Дж. Блок, Л.Андерсон ва бошқалар ҳаракати натижасида амалга ошди.

Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни ўқувчи (талаба)ларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аниқ бўлакларга бўлиниб, ҳар бир бўладига ўқувчи (талаба)лар билиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллар дарс мақсадидан келиб

чиқиб, модулларга бўлинган бўлади. Ҳар қайси модулга тест саволлари тузилади. Ўқув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга қурилган бўлиб, саволлар ва жавоблар ўзаро ўзвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни, яъни тизимни ташкил қилади.

Педагогик технологияда репродуктив усул қаторида изланувчи – тадқиқот ва бошқа усуллар ҳам ишлатилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароларини шакллантиришда халқ хўжалиги учун зарур бўлган маълум билим ҳажмига эга мутахассис ҳамда турли муаммоларга дуч келганда, мустақил изланиб, уларни ҳал қилиб кетадиган тадбиркор кишиларни тарбиялашда типик ҳаракатларга, репродуктив ва ностандарт вазиятлардан йўл топиб, чиқиб кетишга ўргатувчи тадқиқот усуллари мос тушади. Бизга зарур бўлган услуб ушбу икки анъанавий усуллар қотишмасидан ҳосил бўлиб, технологиялаштирилган интегратив услубдир. Уни педагогик технология дейилмоқда.

Ўқув жараёни технологияси алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга ёки ўқув предметининг бир қисмига ва бутун ўқув предметига тузиб чиқилиши мумкин.

Педагогик технологияни яратиш тамойилларининг биринчиси – муайян дарс, мавзу, қисм, ўқув предметидан қутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш; икинчиси – умумий мақсаддан келиб чиқиб дарсни ёки ўқув предметини модулларга ажратиб, ҳар бир модулдан қутилган мақсадни ва модуллар ичида ҳал қилиши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш; учинчиси- модул ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш; тўртинчиси - мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин, мақсадларга етиш усуллари танланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб ўтганимиздек, тизимли ёндашув тамойилига биноан дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг бешинчи тамойили ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, методика бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳамда услублар яратишда замоннинг энг илғор усулларида бири – ҳар бир нарса ва ҳодисага тизим сифатида ёндашиш зарур. Акс ҳолда фаолият анъанавий тус олиб, кечаги кунни ифода этиб қолади. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай педагогик фаолият давомида педагогик технология тамойиллари марказий ўринда туриши керак. Шундагина педагогик фаолият замонга мос бўлиб, жамият ижтимоий буюртмасини шараф билан бажариш мумкин.

Педагогик мулоқот - қулай психологик муҳит яратиш мақсадида ўқитувчининг ўқувчи билан дарс ва ундан ташқаридаги ҳақиқий мулоқотидир.

Нотўғри педагогик мулоқот ўқувчида қўрқув, ишончсизлик туғдиради, диққати, хотираси ва иш қобилиятини сусайтиради, нутқ меъёрини бузади. Натижада, ўқувчиларда стереотип фикрлар вужудга келади. Уларни ўқишга ва мустақил ўрганишга, фикрлашга бўлган қизиқишлар сусаяди. Оқибат натижада, ўқувчиларда ўқитувчига, унинг фанига нисбатан муайян салбий муносабатлар узоқ вақт шаклланиб қолади.

Педагогик мулоқот-ижтимоий-психологик жараён сифатида қуйидаги функциялар билан ҳарактерланади: шахсни ўрганиш (билиш), ахборот алмашиш, фаолиятни ташқил этиш.

Мулоқотни ахборот алмашиш функцияси-маънавий бойлик ва янгиликлар билан ўртоқлашиш жараёнини таъминлаш билан бирга ўқув-тарбиявий жараёнини ривожлантириш учун ижобий иштиёқлар. Ҳамкорликда фикрлаш учун шароитлар яратишдан иборат.

Роллар алмашилиши ёрдамида мулоқот ўрнатиш эса, уларда у ёки бу ижтимоий шаклланиб қолган ҳатти-ҳаракатни дастурлайди (ўқитувчи-ўқувчи).

Ижтимоий роллар алмашинуви шахсни ҳар томонлама намоён бўлишини таъминлайди, ниқобни олиб ташлаб бошқа киши ролига кириш ва шу билан инсонни инсон орқали идрок қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Ўқитувчилар ўқув-тарбиявий жараёнда шахс-рол шаклидан фойдаланадилар, дарсинг айрим элементларини бажаришга ўқувчиларни таклиф қиладилар, ҳар бир ўқувчини ўқитувчи ролини бажаришга имкон берадилар. Ўз шахси қимматини намоён қилиш ҳам мулоқот функцияси сифатида намоён бўлади. Бунда ўқувчилар томонидан ўз шахси (мен) ни, кадр-қимматини, шахсини муносиб баҳолаш ва келажагини тасаввур эта олиш учун интилишларини таъминлаш ўқитувчининг асосий вазифасидир.

Мулоқотнинг энг муҳим функцияларидан бири-ҳамдард бўлишдир. У бошқа киши ҳиссиётларини тушуниш, бошғалар нуқтаи назарини маъқуллаш қобилиятини шакллантириш жараёнида амалга ошади ва жамоадаги муносабатларни меъёрга келтиради. Бунда ўқувчини, унинг истакларини тушуниш ва бўлар асосида ўқувчига таъсир этиш зарурлиги англаш ўқитувчи учун жуда муҳимдир.

Мулоқот функцияларини билиш ўқитувчилар учун дарс ва ундан ташқарида ўқувчилар билан бўладиган мулоқотларни яхлит жараён сифатида ташкил этишга ёрдам беради.

Дарсга тайёргарлик кўраётганда мулоқотнинг барча функцияларидан комплекс фойдаланишга эришиш зарур. Дарсни режалаштираётганда фақат ахборот бериш ҳақида эмас, балки ўқувчиларнинг ўз шахсини намоён қилишларини ва ўз шахсий қобилиятини ҳам кўрсата олишга шароит яратишни ҳам режалаштириши зарур.

Бунда айниқса, ўқитувчи ёрдамига муҳтож бўлган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш, ҳар бир ўқувчини қизиқтириш усулларини, ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган меҳнатни ташкил этишни олдиндан ўйлаб қўйиш лозим. Мулоқот бўйича йирик мутахассис олим Кан-Калик фикрича, профессионал педагогик мулоқот таркиби қуйидагиларлардан иборат:

синф-гуруҳ билан бўладиган мулоқотни педагог томонидан моделлаш (лойиҳалаш);

ўзаро таъсир эттиришнинг дастлабки онларида бевосита фаол мулоқот олиб бориш (коммуникатив ҳужум);

педагогик жараён давомида мулоқотни бошқариш;

амалга оширилган таҳлил қилиш ва уни келгуси фаолият учун моделлаш.

Мулоқотнинг ҳар бир элементларини муваффақиятли бажариш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур.

Моделлаш босқичи-синф (гуруҳ) ўқувчиларнинг ўзига хос қуйидаги хусусиятларини, уларни билиш қобилиятлари характери, қийинчиликлар эҳтимоллиги, иш суръатини билишни талаб этади.

Дарсга тайёргарлик кўришда унинг мазмунини олдинги дарс мазмуни билан боғлаш ва у фақат ўқитувчи нуқтаи назаридан эмас, балки ўқувчи шахси томонидан ҳам ўйланиб, турли вариантларда тайёрланиши зарур. Бу ҳақда педагогик технологияда батафсил маълумот берилади.

«Коммуникатив ҳужум» - ўз-ўзидан маълум бунда ўқитувчи ўқувчиларни тезда жалб қилиш техникасини билиши, динамик таъсир ва ўзини салобатли қилиб кўрсатиш усулларини эгаллаши зарур.

Мулоқотни бошқариш босқичида ўқувчилар ташаббусини маъқуллаш, диалогик мулоқот олиб бориш, ҳақиқий шароитга мослаб ўз фикрларига тузатишлар киритиш зарур. Ва ниҳоят, мулоқотни таҳлил қилиш - унинг мақсади, мазмуни ва натижасини таққослашдир.

Табиийки, ўқитувчи мулоқотни, ўқув-тарбиявий жараёни ташаббускори ва етакчиси бўлиши зарур. Бунинг учун қуйидагилар тавсия этилади:

- «биз» сезгисини вужудга келтириш;
- ўқувчиларга таъсир этишда шахс аспектларини киритиш;
- ўзини синф (гуруҳ) ҳақида ижобий фикрга эга эканлигини ҳис эттириш;
- фаолиятнинг аниқ мақсадларини кўрсатиш;

➤ ўқувчиларнинг ички ҳиссиётларини тушуниш ва уларга буни сездириши;

➤ айрим ўқувчиларга нисбатан шаклланиб бораётган стереотип фикрларни ўзгартириш.

Буларнинг ҳаммаси ёш ўқитувчи фаолиятида самарали мулоқот ўрнатишда тўсиқларга барҳам беради.

Педагоглар томонидан турли типдаги раҳбарларнинг аниқ ижтимоий-психологик қиёфаси яратилган. Уларнинг жамоа билан мулоқот техникаси доимо таҳлил қилиб борилади. Ўқитувчи ҳам раҳбар сифатида тарбияланувчилар фаолиятини бошқаради, улар билан турли хил мулоқотда бўлади. Мулоқотнинг ўзаро таъсир этиш функциясини эътиборга олган ҳолда раҳбарлик фаолияти уч услубга бўлинади. Бу услублар А.Н.Лутошкин (Ўзини қандай тутмоқ керак) китобида қуйидагича баён этилган:

1. Авторитар услуб - таранг тортилган камон. Бунда ўқувчилар фаолияти, ким-ким билан ўтириши ва ишлашини фақат ўқитувчи белгилайди. Ўқувчи ташаббусини бўғади, уларни ўзига хос қизиқарли оламда яшашларини тан олмайди. Асосан буйруқ, кўрсатма, йўлланма бериш ва ҳайфсан эълон қилиш билан ўқувчиларга таъсир этади. Ҳатто жуда кам айтиладиган ташаккурномани ҳам буйруқ ва нафсониятига тегадиган оҳангда айтилади: «Бугун жуда яхши жавоб бердинг, сендан буни кутмаган эдим?!». Бундай ўқитувчи ўқувчини хатосини кўрганда унинг устидан кулади ва кўп ҳолларда бу хатоларини тузатиш йўлларини кўрсатмайди. Унинг йўқлигида ўқувчилар иш суръати пасаяди ва ҳатто тўхтаб қолади. Ўқитувчининг фикри бунда кўпроқ бошлиқлик оҳангида сезилади, бошқалар фикрини қабул қилмайди.

2. Демократик услуб (қайтувчи бумеранг). Бу услубда раҳбар ўқитувчи жамоа фикри асосида ишлайди. Ўқитувчи ўз фаолияти мақсадини ҳар бир ўқувчи онгига сингдиришга интилади, муҳокамада барча ўқувчиларни иштирок этишларини таъминлайди. Ўз вазифасини фақат назорат ва тўзатишлар киритишдан эмас, балки тарбиялашдан иборат деб

тушунади. Хар бир ўқувчи тақдирланади, унда ўзига ишонч ҳислари туғилади. Ўз-ўзини бошқариш ривожланади. Демократик ўқитувчи хар бир ўқувчини қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тақсимлашга ҳаракат қилади, фаол ўқувчиларни тақдирлаб боради, ташаббусга кенг имкон беради. Бундай ўқитувчи ўқувчиларга асосан илтимос, маслаҳат бериш билан мулоқот ўрнатади.

3. Либерал (келишувчи) услуб. Бу анархистик ва кўра-била туриб индамайдиган, ўқувчиларни бебош, тарбиясиз, ялқовликка олиб борувчи услубдир. Ўқитувчи ўқувчилар ҳаёти билан қизиқмайди, унга аралашмайди, жонбозлик кўрсатмайди, масалаларни ҳал қилишга эътиборсиз билан ёндошади, бир-бирига карама-қарши фикрларни ҳам маъқуллайди, содир бўлаётган воқеаларга жавобгар бўлишдан ўзини олиб қочади. Бундай ўқитувчига ишониш ва унинг ҳақиқий ҳурматига сазовор бўлиш мумкин эмас.

Юқоридаги фикрларга асосланиб педагогик мулоқотни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтиришига асосланган мулоқот;
- ўзаро дўстликка асосланган мулоқот;
- мулоқот-масофа;
- мулоқот-қўрқитиш;
- мулоқот-ҳазил-мутоиба.

Мулоқот маданияти - бошқаларни тушунишга бўлган эҳтиёж ва қобилиятни шакллантириш, ўзини тушунишга эҳтиёж туғдиришдир.

Мулоқотдаги камчиликлар:

- еҳтиёцизлик, шахсиятпарастлик, суҳбатдошини ортиқча мажбурлаш;
- пассивлик, ўзини жуда юқори ва паст қўйиш;
- ҳаддан ташқари жонбозлик кўрсатиш.

Жисмоний ривожланиш, шахсинг ижтимоий мақоми, моддий таъминот даражаси мулоқот психологиясига таъсир кўрсатади.

Педагогик технология масалаларини ва муаммоларини ўрганаётган баъзи ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг, педагогик технология - фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ўқитишнинг техник воситалари, компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техник воситалардир деб фикрлайдилар. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи -ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи)нинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ. Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган -ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талаба (ёки ўқувчи)лар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу - ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талаба (ёки ўқувчи)нинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Аммо юқорида тилга олинган илмий тадқиқотларнинг биронтасида ҳам касб-ҳунар коллежлари Усимликшунослик дарслари самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш алоҳида илмий текшириш объекти бўлмаган.

II. ПЕДАГОГИК ҚИСМ.

2.1. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиетини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига кушилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмокда.

Замонавий бозор иктисодининг шаклланиши корхоналар орасидаги ракобат асосида, халқ хужалигининг барча тармок ва звеноларини кескин ривожланишини такозо этади. Чунки бозор иктисодиетини ракобатсиз тассавур этиб булмайди. Корхоналар орасидаги ракобат уз навбатида, илм-фан, техника ва технологияни яъни илмий техник тараккиетни (ИТТ) жадаллашувига олиб келади.

ИТТнинг жадаллашуви, ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислох килиши натижасида жаҳон ҳам жамиятига кушилиш имкониятини беради.

Бу ерда ҳам, биринчи каторга юкорида куйилган масалаларни хал кила оладиган кадрларни тайерлаш муаммоси чикиб колади.

Шунинг учун ҳам бизнинг давлатимизда "Таълим тугрисида"ги ва "Кадрлар тайерлаш миллий дастури" конунлари кабул килинди.

Кадрлар тайерлаш Миллий дастурининг максади - таълим соҳасини тубдан ислох килиш, уни утишидан колган мафкуравий карашлар ва саркитлардан тула халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайерлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги олий маълумотли юкори малакали кадрларни тайерлаш, куйидаги шартлар асосида амалга оширилиши лозим:

Биринчидан - ИТТ нинг хозирги замон холати - илм-фаннинг юксалиб бораётган роли билан белгиланади.

XX асрда айникса унинг иккинчи ярмида илм-фаннинг ривожланиш тезлиги узининг энг катта суръатларига эришди. Охирги хар 10-15 йил ичида илмий фаолиятнинг асосий курсаткичлари 2 маротиба ошиб бормокда. XX асрнинг иккинчи ярмида олинган маълумотлар инсониятнинг тула тарихи давомида туплаган билимларини s қисмини ташкил этди.

Шунинг учун илм-фан ривожининг асосий қонуни экспоненциал қонун ҳисобланади. Ҳозирги пайтда илм-фан ривожининг юқори суръатлари аклий меҳнатнинг борган сари автоматлаштирилиши туфайли амалга ошмокда.

Илм-фан ривожининг жадаллашуви илмий-техникавий информациянинг жадал усишига ва тез-тез янгиланишига олиб келади. Илм-фан ривожининг экспонента қонуни бўйича ривож унинг кучқисмон усишини аңлатади. Демак, илмий-техникавий информациянинг усиши ҳам, кучқисмон жараен ҳисобланади. Жаҳонда хар йили минглаб китоблар, журналлар чоп этилади ва ун минглаб десертациялар химоя қилинади.

Информациянинг юқсалиб бораётган кучқисмон оқими тезлигини таъминлаш мақсадида замонавий телекоммуникацияли информация тизимлар қулланилмокда.

Қуриниб турганидек, илм-фан ва информациянинг ҳозирги замон усиш тезлиги ва ҳажми уларнинг утган 15-30 йилдаги ҳолатидан кескин фарк қилади.

Илм-фан ривож, бу олий маълумотли мутахассисларнинг фаолият доирасидир. Шунинг учун олий маълумотли мутахассисларни тайерлаш тизими, уларнинг ута иқтидорлиларига замонавий информация оқимини узлаштиришга, илмий текшириш фаолияти индивидуал ва мустикал ишлаш қуникмаларини ривожлантиришга, илмий-техникавий информация ва укув илмий адабиет билан ижодий ишлай олишга имқоният бериши лозим.

Иккинчидан - Ҳозирги замон фанининг кучқисмон ривож икки, уч ва ундан ортик фанлари уланишларида янги турдаги фанлар пайдо булиши билан ҳам таъминланади. Масалан: биофизика, биогеоқиме, информатика,

физикокимевий механика ва хоказо. Фан дарахти хосил булади. Маълум фанлар уланишларида тугилган янги фан – бу янги йуналишлар, муаммолар, мавзулар ва илмий масалалар демакдир. Бу масалаларни олий мактабнинг истеъдодли битирувчилари хал этиши лозим.

Шунинг учун кадрлар тайерлашни замонавий тизими, уларда узига хос ва ностандарт фикрлаш қобилиятини устириши, уз устида доимий равишда чидам ва матонат билан ишлаш қуникмаларини ривожлантириши лозим.

Талаба хайратлана олиши, мағрурлана олиши лозим, факат шундагина у бошқаларни узининг ижодий иши билан хайратга солиши мумкин.

Илм-фан техника ва технологияни жадал ривожланиш шароитида таълим тизимига қуйидаги талаблар қуйилади:

а) индивидуал ва мустиқил ишлаш, ҳамда илмий-техникавий информация билан ижодий ишлаш қуникмаларини ривожлантириш:

б) узига хос ва ностандарт фикрлаш ҳамда ишчанлик қобилиятини ривожлантириш.

Учинчидан - Илм - фан ривожининг қучқисмон ривожи ва илмий - техникавий информациянинг шунга ухшаш усиши, информациянинг узатиш ва қайта ишлаш тезлигини ошишига олиб келади, бунинг асосида эса ҳисоблаш техникаси етади. Таълимни индивидуаллаштирилмасдан, замонавий информация тизимлардан фойдаланишни қуз олдиға келтириш мумкин эмас. Шунинг учун олий мактаб олдиға кадрлар тайерлаш Миллий дастуриға қурсатилганидек - "уқишни, мустиқил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларни ишлаб чиқиш ва узлаштириш" вазифаси қуйилган.

Туртинчидан - ИТТ хусусияти муҳандислик ечимлар турини кескин ошиши, материалларнинг тезда алмашинуви, технологик жараенлар, машиналар конструкцияси, бошқариш тизимларининг автоматлаштириш даражасининг ошиши, илмий ютуқлар натижасини ишлаб чиқаришға тадбиқ этиш муддатларини қамайтириш ҳисобланади.

Масалан, телефон алокасининг ихтиро килиниши билан уни амалга ошириш орасида 56 йил утган булса, радио учун 35 йил, телевизор учун 14 йил, атом энергияси учун 6 йил, транзистор учун 5 йил утди. Хозирги пайтда эса бу муддатлар одатда бир йилдан ошмайди.

Шунинг учун олий маълумотли мутахассисларни тайерлаш тизими, уларда узлуксиз узгариб турадиган ишлаб чиқариш техника ва технология шароитига зудлик билан мослашувни шаклланишига йўналтирилиши лозим. Улар - билимини ҳаракатчанлиги, танкидий фикрлашув, касбий фаолиятида ижодийлик ва мослашувчанлик каби хислатларга эга бўлиши зарур.

Бешинчидан - Олий мактабда жадаллашадиган ИТТнинг ортиб борадиган талабларига тула жавоб берадиган мутахассисларни тайерлаш учун уқитишни жадаллаштириш, инсон организмни бутун имкониятини, унинг онгини уқитишда ишга солиш зарур. Яъни символли курсатувли уқитишни жадаллаштириш зарур. Бу эса укув жараенида информация бериладиганида, укув материални структуралаш ва тизимга солиш, уқитишни компьютерлаш, укув телевидениясидан фойдаланишни тақозо этади.

Олтинчидан - Ҳар қайси одам тугилгандан бошлаб алоҳида индивидуум ҳисобланади, яъни ҳар кимнинг узига хос аклий куртаклари, таълим олишга қобилияти бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда, замонавий уқитиш тизимининг вазифаси инсоннинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Юқорида баён қилинганлардан қуриниб турганидек кадрлар тайерлашнинг ҳозирги предмети (фанли) тизими поғонама-поғона, узлуксиз ислох қилиниш лозим.

“Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, таълимни технологиялаштиришнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари, касб-ҳунар таълимида махсус

фанлардан замонавий педагогик технологияларни қўллаш имкониятлари ёритилган.

Республикаимизнинг педагогик олим ва амалиётчилари томонидан республикаимиз ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини ишлаб чиқариш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар назарий жиҳатдан ўрганилди.

Таълимни технологиялаштириш, замонавий педагогик технологияларни амалда қўллаш имкониятларини ўрганишдан олдин “технологик”, “таълимга технологик ёндошув” тушунчалари ҳақида фикр юритилди. Ўқитишга технологик ёндошув таълим жараёнини аниқ воситалар ёрдамида бошқариш ва қўйилган ўқув мақсадларига эришиш кафолатини назарда тутди. Бу муаммо бутун дунё педагог олимлари томонидан ҳозирга қадар тадқиқ этиб келинмоқда. Ўтказилган изланишлар шуни кўрсатадики таълимни технологиялаштиришнинг асосини ўқув жараёнини ва таълим оловчиларнинг, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларига эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқаришга йўналтирилган ғояси ташкил этади.

Бизнинг фикримизча таълимни технологиялаштириш-бу таълим жараёнига технологик ёндошув асосида ўқув мақсадларига кафолатли эришиш учун ўқувчилар ва педагогларнинг ўзаро фаолиятининг самарали ташкил этилишидир.

Замонавий таълим технологияси – бутун ўқитиш ва ўргатиш жараёнини яратиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимли усули бўлиб, у ўқув мақсадига эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот ўтказиш, тадқиқотлар натижасига, ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

Анъанавий ўқитишнинг замонавий технологияларга асосланган таълимдан фарқ қилувчи белгиларини очиқ берувчи жиҳатлар таҳлили шуни кўрсатадики, янги педагогик технологияларга асосланган замонавий таълим,

анъанавий таълим усуллари ва воситалари, уни ташкил қилиш шакллари ва натижалари билан сезиларли даражада фарқ қилади. Замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ўқув жараёнини такомиллаштириш ва таълим мақсадларига кафолатли эришишни таъминлайди. Анъанавий ўқитиш тизимида таълим олувчининг педагогик таъсирлар остида билим олиши ётади, бунда ўқувчининг фаолияти фаол ижодий характерга эга бўлмайди. Бу эса ҳозирги замонавий таълим талабларига мос келмайди.

Ушбу бобда педагогика фани назарияси ва амалиётида “педагогик технология”, “таълим технологияси”, ўқитиш технологияси” каби тушунчалар ўрганилди. “педагогик технология” тушунчасининг ривожланишига қараб, педагогикадаги икки оқимни ажратиш мумкин:

1) биринчиси – ўқув жараёнидаги техник воситаларни кенгайтириш имкониятларига йўналтирилади;

2) иккинчиси эса – ўқув жараёнини лойиҳалаш технологиясини билдиради ва “таълим технологияси” ёки “педагогик технология” деб номланади.

Иккинчи йўналиш асосида таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг умумий қонуниятлари мавжудлиги тўғрисидаги ғоялар ётади. Шунингдек педагогик технологиянинг баъзи аҳамиятли белгилари очиқ берилди.

Ҳозирги пайтда таълим жараёнининг шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари асосида ташкил этилишини таъминлаш долзарб вазифалардан эканлиги кўрсатиб ўтилди ва шахсга йўналтирилган таълим ва шахсга йўналтирилган таълимнинг назарий асослари ва тамойиллари ёритиб берилди. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари таълим жараёнида бошқача ёндошувни талаб қилади. Ўқитувчи ўқувчига ва фанга нисбатан ўзининг муносабатини ўзгартиришга тўғри келади. У фақат ўқувчиларга билим ва кўникмаларни шакллантириш эмас, балки уларни мустақил таълим олишга ўргатиш керак.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги таълим мазмунидаги анъанавий тадбирлар шахснинг тўлиқ ривожланишини тўлиқ таъминлай

олмайди. Шахсга йўналтирилган ўқитишни лойиҳалаштириш ўқувчига ўқув материални мустақил ўзлаштиришга ва таълим методларини танлашга имконият яратилади. Ушбу бобда шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишнинг шарт-шароитлари ва талаблар ҳам келтириб ўтилди.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш бу мураккаб жараён бўлиб, ўз ичига аввало ўқитувчи ва ўқувчининг узлуксиз фаолиятини олади. Ўқитувчи дарс мобайнида қанча ҳаракат қилмасин, агар ўқувчилар ҳам дарс жараёнида фаол иштирок этмасалар, билиш жараёни суст кетади. Ўқитувчи дарс жараёнида ўқитаётган фан бўйича нафақат илмий ахборотларни, янги билимларни беради, балки ўқув жараёнини режалаштириб, бошқариб бориш билан бирга дарс мобайнида ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини текшириб, назорат қилиб боради ва ўқиш давомидаги меҳнат қилиш кўникмасини, фарқлаш қобилиятини, олган билимларини амалда қўллашга ҳам ўргатади.

Ўқитиш технологияларининг моҳияти ва мазмуни ҳақида илмий педагогик адабиётлар ва тадқиқот ишлари таҳлили асосида касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнига қўлланилганда самара берадиган ўқитиш технологияларининг моҳияти ёритилди. Ушбу ўқитиш технологиялари касб-ҳунар коллежларида фанлар хусусиятига қараб қўлланиб келинганлиги, аммо муаммоли ўқитиш технологиясини қўллаш бўйича жуда кам тадқиқотлар олиб борилаётганлиги келтириб ўтилди. Айниқса махсус фанлардан муаммоли ўқитиш технологияларини қўллаш бўйича диярли илмий изланишлар олиб борилмаганлигини қайд этиш мумкин. Биз тадқиқот ишида касб-ҳунар коллежларида замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш имкониятларини ўрганиб, асосий изланишларимизни махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси бўйича олиб бордик ва ижобий натижалар олдик.

2.2. «Дончилик» фанини муаммоли ўқитиш технологияси моҳияти, мазмуни ва амалда қўллашнинг шарт-шароитлари

Биз томондан муаммоли ўқитиш технологиясига оид тадқиқот ишлари ва педагогик адабиётларда келтирилган фикрларни ўрганиш шуни кўрсатадики, муаммоли ўқитиш – бу ривожлантирувчи ўқитиш технологияси бўлиб, фаол билим орттириш жараёнини рағбатлантиради ва мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради. Муаммоли ўқитиш технологиясини моҳияти ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўқишида муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва ўқув масалалар, муаммолар, саволлар ва топшириқларни ечиш йўли билан янги билимларни ўзлаштириш фаолиятини бошқаришдан иборат.

Муаммоли вазият-бу билим олиш мақсадида махсус яратилган ақлий фаолият ҳолати бўлиб, бундай вазият асосини олдин ўзлаштирилган билимларнинг хотирада сақланганлиги ва янги билимларни муаммоларини ечиш учун ақлий ёки амалий ишлаш усули ташкил этади.

Биз томондан муаммоли ўқитиш технологиясини блок схемаси ишлаб чиқилди.

Ушбу схемага мувофиқ муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчи аввало муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, экспериментал топшириқларни таклиф қилади, кичик гуруҳларда муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларининг тўғрилигини тасдиқлайди.

Ўқувчилар олдинги билим ва тажрибаларга асосланиб муаммоли вазиятни ҳал қилиш йоллари тугрисида уйлайдилар ва таклифлар киритадилар. Олдин олган билимларини умумлаштириб ходисаларнинг сабабларини аниқлайдилар уларнинг келиб чиқишини тушунтирадилар, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оптимал вариантини танлайдилар. Бу услуб ўқувчиларнинг билим қизиқишини оширибгина қолмай, уларда фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Муаммоли вазият муайян ўқув қийинчиликлари туфайли вужудга келган ҳолат бўлиб, уни бартараф этиш учун йўл топилиши керак. Вазифа енгил ҳал этиладиган ёки аксинча ҳал этилиши мумкин бўлмаган пайтда муаммоли вазият вужудга келмайди. Муаммоли вазиятларда ўқувчилар мавзуга доир муаммоли аниқлашни, ўзаро алоқа ўрнатишни, бошқалар фикрини ҳам инобатга олишни ўрганадилар. Муаммоли вазиятни ўрганиш мавзуга доир материални таҳлил қилишда ўқувчи шу вазиятга ўзи киришиши, уни тушуниши, баҳолай олиши керак. Ушбу ҳолатда қандай муаммо борлиги ва қўйилаётган муаммонинг моҳияти нимада эканини аниқлаши лозим, муаммони ҳал этишдаги ўзининг роли ва бунда ўзини қандай тутиши кераклигини белгилаши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, муаммоли вазият ўқув жараёнида ўқувчиларда махсус фанга ва касбга бўлган қизиқишларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг муҳим омили бўлади.

Бизнинг фикримизча муаммоли ўқитишда махсус фан ўқитувчисининг фаолияти қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

- ўқувчилар олдига муаммоли савол қўяди;
- муаммоли саволни ечимини топиш имкониятларини яратади;
- ечимнинг тўғрилигини исботлашни таклиф этади;
- агар ўқувчилар томонидан берилган фараз тўғри бўлса, янги олдинган билим юзасидан хулоса қилишлари тавсия қилинади;
- агар жавоб ноаниқ бўлса, у ҳолда аниқлаштирувчи савол қўйилади;
- жавобгар ва ечимлар бўйича ўқувчиларни рағбатлантиради ёки баъзи ноаниқликларни кўрсатади;
- билимларни мустаҳкамловчи саволни қўяди;
- олдинган назарий билимларни амалиётда қўллаш учун машқ ёки топшириқ беради.

Ўқувчининг фаолияти қўйидагилардан иборат бўлади:

- саволни тўлиқ қабул қилади ва уни ечим имкониятларини ўйлай бошлайди;

- қўйилган савол бўйича ечимнинг турли вариантларини таклиф қилади;
- ечимлардан бирининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилади;
- янги эгаллаган билим тўғрисида хулоса ва фикрлар билдиради;
- аниқ ечимни излайди;
- мавзу бўйича кўпроқ маълумотга эга бўлади;
- ўз таклифи ва хулосаларни такрорлаш орқали билимларни мустаҳкамлайди;
- назарий билимни амалиётда қўллашга йўналтирилган топшириқларни бажаради.

Ўқув муаммоларини қўйиш жараёнини енгиллаштириш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур.

- муаммони ечиш йўли билан ўзлаштириладиган янги билимлар билан бевосита боғлиқ бўлган, илгари ўзлаштирилган билимларни юзага чиқармасдан туриб, муаммони қўйиш мумкин эмас.
- Муаммоли топшириқларни ташкил этишдан аввал уқувчиларнинг сабаб-оқибат уртасидаги боғланишларни аниқлаш усулларини билишларига ишонч ҳосил қилиш керак;
- Уқитувчи уқувчилар тушуна оладиган муаммоларнигина қўйиши керак;
- Муаммони самарали ечиш уни туғри ифодалаб қўйишдан бошланади.

Юқоридаги фикрлар адабиётлар ва тадқиқот ишлари тахлили утказилган изланишларимиз натижаларидан келиб чиқиб муаммоли ўқитиш бўйича қуйидаги маслаҳатларни бердик;

- муаммоли ўқитишнинг учта имконияти мавжуд: муаммоли вазиятни яратиш, келтирувчи мулоқот, ўқитувчи томонидан, мотивациядан фойдаланиб дарс мавзусини тайёр ҳолда маълум қилиш;
- муаммоли ўқитиш: фронтал, гуруҳий ва яккама-якка ўқитишлардан иборат.

1. Муаммоли вазиятларни пайдо бўлиши (қўйилиши).

2. Қийналишнинг моҳиятини тушуниш (муаммо масаласини ифодалаш).
 3. Тахминий интеграция усулида муаммоли масалани ечиш усулини излаш.
 4. Фаразни исботлаш.
 5. Муаммоли масалани ечимини тўғрилигини текшириш.
- муаммоли ўқитишнинг тўлиқлик даражасини қуйидагилар ташкил этади:
 1. Муаммо ўқитувчи томонидан қўйилади ва ўқувчилар томонидан ҳал қилинади.
 2. Ўқувчилар томонидан муаммо мустақил ҳолда ёки ўқитувчи билан бирга ҳал қилинади.
 3. Муаммоли вазиятни ўқитувчи ифодалайди, муаммони ечишнинг кейинги босқичлари ўқувчилар билан амалга оширилади.
 4. Муаммони ечишнинг барча босқичлари ўқувчилар томонидан бажарилади, бунда мустақиллик ва ақлий фаоллик юқори бўлади.
 - муаммоли ўқитиш самарадорлигининг асосий шарти бўлиб:
 1. Ўқитиш жараёнида муаммони ечишга ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотадиган етарли мотивациясини таъминлаш.
 2. Ўқувчиларга тавсия қилинаётган муаммоли вазиятларни мураккаблик даражасини таъминлаш.
 3. Муаммоли вазиятларни ечиш мобайнида олинадиган ахборотларни ўқувчилар учун зарурлиги.
 4. Педагогнинг ўқувчилар айтган фикрларга, фаразларга эътибор қилинган ва уларни рағбатлантиришга қаратилган самимий мулоқоти ҳисобланади.
 - муаммони ўқитишда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат:
 1. Муаммога оид ахборотли таъминот.

2. Муаммони ечими бўйича тадқиқот йўналишини танлаш.
 3. Муаммо мазмунини ёки тузилишини ўзгартириш.
 4. Ўқувчининг билиш фаоллигини рағбатлантириш.
- муаммоли ўқитишда дарсни бориши қуйидагича бўлиши мумкин:
1. Зарур билимларни фаоллаштириш.
 2. Материални ўзлаштириш.
 3. Қўникма ва малакаларни шакллантириш.
 4. Билиш малакаларни шакллантириш.
 5. Янги материалларни мустаҳкамлаш.
 6. дарс якуни.
 7. Муаммоли вариантни яратиш.
 8. Ақлий масалани қўйиш.
 9. Қўйилган масалани характерлайдиган турли шароитларни ўрганиш, унинг шароитларни моделлаштириш имкониятларини муҳокама қилиш ёки соддароқ ёки кўргазмалироқларига алмаштириш.
 10. Қўйилган масалани ечиш жараёни.
 11. Олинадиган масала ечимини тадқиқ этиш, унинг натижаларини муҳокама қилиш, янги билимларни ҳосил қилиш.
 12. Ўзлаштиришда махсус танланган ўқув масалаларни ечиш орқали янги билимларни қўллаш.
 13. Қўйилган дастлабки муаммоли вазият доирасида масала ечимларини имкони бор умумлаштиришларини муҳокама этиш.
 14. Олинган масала ечимларини ўрганиш ва бошқа ечиш усулларини излаш.
 15. Якуний босқичда ўқув материали мазмунида, муаммони ечиш усулларда, натижаларида аҳамиятлиларини аниқлаш, янги билимларни ва тажрибаларни келажакда қўллаш имкониятларини муҳокама қилиш.

Бу муаммоли дарсни ташкил этиш схематик режаси бўлиб, баъзи ҳолларда унинг бандлари қўшилиши, ёки эса бажарилмаслиги мумкин.

- муаммоли ўқитиш технологиясини қуйидаги ҳолларда қўллаган мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқув материалнинг мазмуни сабаб-оқибатли алоқа ва боғлиқликни ўзига олган, тушунча, қонун, назарияларни шакллантиришга йўналтирилганда.
2. Ўқувчиларни мавзунини муаммоли ўрганиш учун дастлаки тайёргарликлари бўлганда.
3. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга, тадқиқот қўникмаларини шакллантириш, ишга ижодий ёндашишни ривожлантирувчи масалаларни ечишга йўналтирилганда.
4. Ўқитувчи муаммоли ўқитишда методларни яхши билганда ва амалда қўллай олганда.

Биз томондан касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш бўйича ўтказилган тажрибалар муаммоли ўқитишнинг яхши самара келтиришини кўрсатди.

Муаммоли маъруза шаклидаги машғулотларда ўқув мақсадларига эришиш муваффақияти ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти билан таъминланади. Муаммоли ҳарактердаги маърузани ташкил этиш бўйича қуйидаги услубий тавсиялар берилади:

- машғулот мавзуси билимнинг муаммоли соҳаси каби кўринишда берилади;

- маъруза режасининг саволлари муаммо ечимини омиллаштирувчи йўналишлари сифатида қараб чиқилади ва кичик муаммолар шаклида ифодаланади;

- кичик муаммолар ечими ўқув топшириғини ва барча элементларини, кетма-кетликда очиб беришдан иборат;

- кичик муаммолар ечими дастлаб алоҳида берилиши, изига умумлаштирилиши керак;

- кичик муаммолар ечими орқали умумий муаммони ечишнинг бир нечта мақбул вариантларини ажратиб олиш керак;
- ўқитувчи муаммо ечими бўйича барча вариантларни кўрсатиб умумий хулосани ифодалайди.

3. ДОНЧИЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ.

3.1. «Дончилик» фанини ўқитиш услубиётининг тартиб-қоидалари.

Ҳозир кунда ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-услубиётлик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатмиз келажаги бўлган ёш авлодни касбга ўргатиш уларда касбий маҳорат ва кўникмаларни ҳосил қилишда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон илм-фани давлатимиз томонидан коллежларда талабаларнинг билим олишлари учун яратиб берилган шароит ва имкониятлар, ўз соҳасини пухта биладиган ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил қиладиган ва амалда қўллай биладиган, у ёки бу ишни механизмлар ёрдамида бажара оладиган малакали кичик мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

Бошқа фанлар каби «Дончилик» фани ҳам махсус тузилган режа ва дастур асосида олиб борилади.

«Дончилик» фанининг ўқув режасига малака тавсифномаси, назарий машғулотлар, лаборатория ишлари, амалий ишлар, ишлаб чиқариш таълими мавзулари киритилган.

Малака тавсифномасида технологнинг билим ҳамда касб савиясига кўйилган меъёрий ҳужжат келтирилади ва унда технологнинг эгаллаётган касб бўйича технология жараёнларини тўғри амалга ошира оладиган билимларга эга бўлиши, касб ва ихтисосликларнинг аниқ номлари, техник ва махсус билимлар, меҳнат кўникмаси ҳамда малакалари, малака ошириш бўйича йўл-йўриқлар ифодаланади ҳамда бу ҳужжатлар ўқув режаси ва

дастурларини тузишда асос бўлади, шунингдек, битириш имтиҳонларида ўқувчилар билимини аниқлашда қўлланилади.

Ўқув дастурида фаннинг ҳажми, ўқитиш мазмуни ва тартиби кўрсатилади. Янги ўқув режаси ва дастурида материаллар ўқув йиллари бўйича тақсимланади, бунда ўқувчиларни янги материаллар, техника бўйича билим ва малакалар билан қуроллантириш, ўқув устахоналарида, лаборатория ва полигонларда, тажриба далаларида технология жараёнлари билан таништириш кўзда тутилди. Асосий эътибор уларни мустақил фикрлашга, меҳнатга онгли муносабатда бўлишга қаратилган.

Ўқув дастурининг бир қисmini ташкил этувчи мавзулар режасида фан бўйича мавзулар тартиби, номи, назарий, лаборатория амалий машғулотлари ва ишлаб чиқариш таълими учун ажратилган вақтлар кўрсатилади.

Ўқув режаларида назарий таълим мавзулари келтирилган. Назарий таълимнинг мазмуни, усуллари, вазифасини ташкил қилиш шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, битта мақсадга, яъни юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Шунинг учун назарий таълим коллежларда ўқув жараёнининг мустақил қисми ҳисобланади

Ўқув дастурларида назарий дарс мавзулари, соатлари маълум тартибда берилган. Шу билан биргаликда ўқитилаётган назарий таълим талабаларга янги эканлигини эътиборга олиш лозим. Ўтилмаган янги фанни ўтиш олдинги ўқитилган фанлар асосида олиб борилиши керак.

Ўсимликшунослик фанига 80 соат ажратилган бўлиб, шундан 60 соат назарий, 20 соат лаборатория-амалий машғулотлардир.

Ўсимликшунослик фани қишлоқ хўжалик фани ҳисобланиб, у маданий дала ўсимликлари билан шуғулланади. Унинг мақсади – маданий дала экинларидан юқори ҳосил олиш ва ҳосил сифатини яхшилашдан иборатдир.

Фаннинг вазифаси – маданий дала экинлари, озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини кўпайтириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, техник экинларидан юқори ҳосил олиш натижасида халқимизни озиқ-овқат

маҳсулотлари, чорвачилик учун ем-хашак ва саноатни хом ашё билан таъминлашдан иборат.

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда дала экинлари маҳсулотлари етиштириш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

«Дончилик» фанининг мазмуни ва материаллари ўқитишда танлаб олинган тамойиллар муҳим аҳамият касб этади. Қуйида ушбу тамойилларга тўхталиб ўтамиз.

Ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қобилиятларини фаоллаштириш, уларни мустақил билим олишга ўргатиш услубларини танлаб олиш ва махсус атамалардан фойдаланишга ўргатиш таълимни илмий асосда ташкил этиш тамойилининг вазифасидир.

Ўқувчиларга касбий билим бериш, уларнинг ақлий ўсиши ҳамда дунёқарашини шакллантириш учун шароит яратиш - таълимнинг тарбиявий тафсидир. Таълимни амалга оширишда ўқитувчи ўқувчиларни ўз касбларига қизиқишини ошириш, онгли, интизомли бўлиш, ўз меҳнатини режалаштира олиш, жамоа билан ишлай билиш; кўникмалар ҳосил қилиш бўйича тарбиялаш; ҳар бир дарсни ўқувчилар билим ва малакаларни эгаллашлари билан бирга уларда дунёқарашларини ҳам шаклландирган йўсинда олиб бориши лозим.

Ўрганилаётган ҳодиса ва нарсаларни тасаввур этиш асосида ўзлаштириш - кўргазмали қуролларни танлаб олиш тамойилининг вазифасидир. Бирорта мавзунини тушунтиришнинг асоси нутқ бўлса, кўргазмали қуролларнинг ёрдамчиси. Кўргазмали қурол кузатишни ривожлантириш учун қўлланилса, нутқ қисқа бўлиши, яъни кузатишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилиши лозим.

Таълимни ўқувчилар илмий билимларни ўзлаштирадиган усулда ташкил қилиш лозим. Бу - таълимнинг онглик ва фаоллик тамойилларини белгилаб бериб, бунга ўқувчиларнинг машғулотлар жараёнида фаоллигини ошириш йўли билан эришиш мумкин.

Малакаларни мустаҳкамлаш ва ўзлаштириш тамойилига кўра, ўқитувчи амалий машғулотларнинг режага нисбатан тўғри ўтказилаётганлигини назорат қилиб боради. Малакаларни ўзлаштириш мақсадида ўтилатган материаллар мунтазам равишда такрорлаб борилади, янги материалларни мустаҳкамлаш йўллари ўрганилади.

Талабаларни ҳар томонлама ўрганишни, уларга ўз вақтида ёрдам беришни, уларнинг ташаббусини ва ижобий қобилиятининг намоён бўлишлигига етарли шароитлар яратиб бериш - талабаларга якка ҳолатда муносабатда бўлиш тамойиллари мазмунидир.

Ҳар бир талабани ўзига хос жиҳатларига эътибор бериш, уларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказиш лозим. Назарий машғулотларни тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда машғулотни ўтиш жойи, тартиби, ўқувчиларнинг фаолияти ҳамда уларни гуруҳларга бўлиш, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида алоқа ўрнатиш лозим.

Коллежларда таълимни ташкил этишнинг асосий шакли – дарс ҳисобланади. Дарс деб ўқитувчининг тайёргарлик даражаси бир хил бўлган ўқувчилар билан машғулот ўтишига айтилади.

Ҳар бир дарс ўқув жараёнининг бир қисми, билим, кўникма ва малакаларнинг мантиқий якуний босқичи ҳисобланиб, қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Мақсад ва мазмун. Бу талаб дарснинг бутун ўқув материални ва унинг ҳар бир қисмини тўғри танлаб олиш билан амалга оширилади.

2. Таълим ва унинг вазифаси. Таълимнинг тарбиявий маъноси унинг асосини ташкил этади. Бу ўқувчилардан касбга бўлган қизиқишларининг шаклланишига оид бўлган имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишни талаб қилади.

3. Дарснинг муҳим услубиётларини моделлаш. Ўқитувчининг илмий фаолияти ва меҳнатининг самарадорлигини бирдан бир кўрсаткичи ўқитишнинг энг муҳим услубиётларини тўғри танлай олиши билан баҳоланади. Бундай энг муҳим услубиётлардан бири ўқувчиларда билимга

бўлган қизиқишларини таъминлаш, уларнинг ўз илмий тажрибаларини амалда қўллашни шакллантиришга эришиш.

4. Дарснинг самарадорлигини ошириш. Бунга дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш, ўқитувчи ва ўқувчиларни дарсга яхши тайёрлаш. Машғулотларни тегишли техник жиҳозлар билан таъминлаш ва унинг барча қисмларини пухта ўрганиш орқали эришилади.

Дарснинг самарадорлигини ошириш учун уни янги билимларни ўрганиш, билимларни мустаҳкамлаш, синаш-текшириш, муаммоли дарс турларига бўлиш мумкин.

3.2. «Дончилик» фанининг назариясини ўқитиш услубиётлари.

Таълим жараёнида ўқитувчи ва талабалар фаолиятини бошқариш, ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва олиб бориш ҳамда ўқитувчининг ишчанлиги унинг ўқитиш услубиётларини белгилаб беради.

Одатда таълим тизимида ўқитиш услубиётлари билан бир қаторда «усул» (маълум ўқув материални ўтишда қўлланилаётган асосий ўқитиш услубиёти билан бирга иккинчи бир ўқитиш услубиётининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўриш) ва «восита» (ўқитиш услубиётларини амалга ошириш учун керакли бўлган қўшимча ўқув материалларидан фойдаланиш) атамалари ҳам ишлатилади.

Ўқитувчи тушунтириш кўргазмали услубиётдан фойдаланиб мавзуга тегишли ҳар хил кўргазмали қуроллар воситасида талабаларга маълумотлар беради. Ундай маълумотлар талабаларда кўриб, эслаб қолиш қобилиятларини шакллантиради.

Топшириқлар асосида талабаларнинг ўзлаштириш қобилиятини фаоллаштиришда ўқитувчи эслаш услубиётидан фойдаланади. Талабалар кўргазма қуролларда берилган тасвирлар бўйича кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар.

Дарс жараёнида ўқитувчи муаммоли вазиятни келтириб чиқариб, дарс давомида талабаларга уни ҳал қилиш йўллари тушунтириб боради

муаммоли баён услуби бўлиб, талабалардан бири ўқитувчи билан бирга муаммони ҳал қилишда иштирок этади.

Ўқитишнинг тадқиқот услубиёти талабаларнинг янги муаммони ҳал қилишдаги мустақил изланиш фаолиятини ташкил этиш усули ҳисобланади. Бунда ўқитувчи талабаларга тайёр муаммони баён қилмайди. Уни талабаларнинг ўзлари ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида топадилар, шундан кейин ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради.

Мавзуни оғзаки баён қилиш, тушунтириш, суҳбат, маъруза, тажрибалар ўтказиш, кўргазмали воситалар намоиш қилиш; машқ қилиш, ёзма иш ўтказиш, лаборатория машғулотларида қўлланилган услубиётлардан фойдаланиб дарсни юқори даражада ўтказишга эришиш – ўқитишнинг анъанавий услубиёти ҳисобланади.

Лабораторик амалий машқлар, уй вазифалари, мустақил топшириқлар, ишлаб чиқариш таълими шаклларида иборат бўлган амалий ўқитиш услубиётида машқлар ўқув режаси билан маълум тартибда, уларга хос материаллар, асбоб-ускуналар ёрдамида олиб борилади.

Кўникма (тушунча) ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўрганилаётган жараёнларни кўп марта такрорлаш машқлардан иборат бўлиб, талабалар машқларни нима учун зарур эканлигини тўла-тўқис тасаввур қилишлари лозим. Ўрганилаётган технология жараёнларини бажариш йўлларини иш жараёнида учрайдиган камчиликларни топиш ва уларни тузатиш услубиётларини ўзлаштириб олишлари лозим. Талабаларда мақсадга мувофиқ кўникмаларнинг шаклланиши дастлабки вақтлардан катта аҳамиятга эга. Талабалар машқларда учрайдиган қийинчиликлар олдида довдираб қолмасликлари учун ўқитувчи қийинчиликларни енгиш йўлларини кўрсатиб боради.

3.3. «Дончилик» фани бўйича «Ғалла дон экинлари» бўлими мавзуларини ўқитиш методикаси.

3.3.1. *Ўқитиш жараёнини ташкил қилиш методикаси*

Ўқитиш жараёнларини турли хил методлар билан ташкил этиш мумкин: дарс, ўқувчиларни дарсларга мустақил тайёрланишлари, гуруҳларга бўлиб ишлаш (тўғарак, консультация, жамоатга ярайдиган ишларни бажариш ва бошқалар). Оммавий тадбирий чоралар, дарслардан сўнг алоҳида бўлиб ишлаш (қолоқларга ёрдам ва консультация бериш, тўғаракда яқка жамоа, (бригада) бўлиб ишлаш (ўқитувчилар жамоасида дала экинларини етиштириш бўйича иш олиб бориш).

Ўқитиш жараёнларининг методлари ва таърифлари қуйидагилардан иборат:

1. Дарслар ўқув ташкилотларида ўқитиш тарбиялаш жараёнини маълум вақт давомида олиб бориладиган асосий шакли ҳисобланади.

Дарслар назарий мақсадларга мувофиқ қуйидаги хил-ларга бўлинади:

1. Бирлаштирилган ёки қўшма дарс,
2. Янги ахборотлар ҳақида маълумотлар берадиган дарс.
3. Амалий дарс.
4. Такрорлаш ва умумлаштирувчи дарс.
5. Ўқув-назорат қилувчи дарс ва ҳоказоларга бўлинади.

Дарслар ўтказиш методикасига қараб ҳам қуйидаги хилларига бўлинади.

1. Гапириб-тушунтириб бериладиган дарс.
2. Маъруза-дарс;
3. Суҳбат-дарс;
4. Саёҳат-дарс;
5. Лаборатория дарс (машғулот);
6. Семинар дарс ёки семинар ва бошқалар.

Ҳар қайси дарс ўз тузилишига эга. *Бирлаштирилган дарс*. Одатда, у қуйидаги элементлардан иборат: ташкилий қисми, оғзаки сўраш, янги

ахборотни баён қилиш, мустаҳкамлаш, машғулотдан ташқари вақтда бажариш учун бериладиган вазифалар. *Дарсни ташкилий қисми.* Ўқувчилар таркибини текшириш (бор, йўқлигини) ва уларни дарснинг кейинги босқичига тайёрлаш, оғзаки 2-3 ўқувчидан сўраш ва дарсни баён қилиш ва бошқалар.

Оғзаки сўраш. Уй вазифасини бажарганлигини текшириш. Ўқитувчи баён қиладиган дарсни илгари ўтилган материал ўртасида алоқа боғлайди.

Янги материални баён этиш. Янги мавзунинг маъносини тушунтириб берадиган дарс. У дарс мавзусини ўтган материал билан боғлайди.

Бирлаштирилган дарсда янги материал суҳбат, гапириб бериш, доскада гушунтириш, турли воситаларни намойиш қилиш методлари билан олиб борилади.

Янги материални баён қилиш илгари ўзлаштирилган тушунча ва билимларни мустаҳкамлаш методи билан олиб борилади.

Дарснинг ютуғи ўқувчиларнинг эътибор ва фаоллиги билан белгиланади.

Шунинг учун дарсда ўқувчиларни янги омиллар, воқеалар билан бойитиш бир вақтда уларнинг фаоллигини, фикрлашини оширишга муҳит яратиш лозим.

3.3.2. Фанларни ўқитишнинг интерфаол усуллари.

Қуйида интерфаол таълим усулларининг айримларига тўхталамиз.


«**Ақлий ҳужум**» бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келадиган самарали усуллардан биридир. У, тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижобий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

«Ақлий ҳужум» усулини қўллашда ўқитувчи гуруҳ иштирокчиларини тўплайди, улар олдида бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришни сўрайди. Мазкур босқичда иштирокчилардан ҳеч бири бошқа қатнашувчиларнинг ғояси, фикрини муҳокама қилиши ёки

баҳолаши мумкин эмас. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади, қанча кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунча яхши. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш, кенгайтириш, қайта ўзгартириш мумкин. Ғоялар ёзилган варақлар деворга осиб қўйилади. Берилган ғоялар асосида муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган ечимни тинглаш учун муҳокама ўтказилади.

Бу ҳақиқатдан ҳам ўқувчиларнинг таълим жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғоялари баён этиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбарлантирувчи мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига жалб қилади.

Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб, кейин эса ўқув фаолиги 5-10 дақиқа оралиғида вақт чегарасида енгиллаштирилади. Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланиши мумкин. Масалан, қандайдир мавзунини ёки муаммони муҳокама қилиш орқали ҳал қилиш учун савол қўйиш. “Ақлий ҳужум” ни ўтказиш тартиби 1-расмда келтирилган.



1-расм. «Ақлий ҳужум» усулининг схемаси.

«...баҳслашувчиларнинг бир-бирига нисбатдан фазовий жойлашувларига боғлиқ» (Каримова, 2000), яъни анъанавий дарс ўтказиш шаклида тингловчиларнинг бир-бирларининг юзларини кўриш имконияти

чекланган бўлади, бундай ҳол эса тингловчиларнинг руҳий тайёргарлигига путур етказиши мумкин, аксинча доира шаклдаги стол атрофида жойлашиб, ўртага ташланган мавзу юзасидан эркин фикр билдира оладиган тингловчиларда баҳс-мунозара ўтказиш учун психологик тайёргарлик кузатилади.

Дарс мобайнида ўқитувчи мавзунинг характери ва у шакллантириши лозим бўлган билим, кўникма ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва шундан кейингина машғулоти бошлаши керак. Масалан, кейинги пайтларда кенг кўламда қўлланилаётган мунозара юритишнинг «брейнштурминг» шаклини олиб қарайдиган бўлсак, бунда баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар.

Шуни эътироф этиш жоизки “брейн сторминг” (инглизча «ақлий ҳужум») услуби америкалик олим А.Осборн томонидан 1930 йилда таклиф этилган бўлиб, унда лойиҳаларни режалаштириш ва унинг натижаларни олдиндан башорат қилиш кузда тутилган эди.

«Брейнштурминг» услубининг психологик моҳияти шундаки, мунозарага кирилганда баҳслашувчиларга мияга қандай фикр келса, уни танқидсиз, эркин айтиш имконияти берилади. Охирида эса баҳслашувчилар маълум рационал «мағзи»ни ажратиб олишади.

Баҳс-мунозара. Ўқувчиларнинг танланган мавзу соҳасида мунозара қилишга ўргатиш уларнинг билимларини чуқурлаштиради, ўз фикрларини асослаш қобилиятини ривожлантиради.

Мунозарани ўтказиш учун:

1. Ўқитувчи баҳс-мунозара машғулоти учун муаммоли мавзу танлайди ва ўқувчилари мунозарага таклиф этилади.
2. Ўқитувчи қатнашувчиларга муаммони «Ақлий ҳужум» усули билан ечишни вазифа қилиб юклайди ва уни ўтказиш тадбирини белгилайди.
3. Ўқитувчи «Ақлий ҳужум» вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзма равишда ёзишни таклиф этади ёки уларни ёзиш учун котиб тайинлайди.


4. Ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга ажратади ва синфни икки томонига қатор қўйилган столлар ёнига ўтқазади ва ҳар бир гуруҳ катнашчилари қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишларини белгилайди. Шундан сўнг 1-гуруҳ ўқувчиларига рақамланган варақлар тарқатилади ва 5 дақиқа давомида ўзлари маъқуллаган нуқтаи назар фойдасига битта далилни ёзиш топширилади.

5. 1-гуруҳ аъзолари томонидан ёзилган варақлар қарши гуруҳдаги шерикларига берилади. Улар шерикларининг далилларига қарши жавоб топиши ва ёзиши учун ҳамда ўз қарши далилларини баён қилишлари учун 10 дақиқа вақт ажритилади.

6. Ўқувчилар билимларини аниқлаш учун далиллар алмаштиришни 2-3 марта такрорлаш етарлидир.

7. Баҳсларга яқун чиқаришнинг яхши шакли иккала томонга қаратилган саволдир: қарши томоннинг энг яхши далил исботлари қайсилари бўлди.

8. Ўқитувчи томонидан мунозара катнашчиларини баҳолаш. Аммо бу ҳақида ўқувчиларнинг дарснинг бошидаёқ огоҳлантириши керак. Баҳс–мунозарани ўтказиш босқичлари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Баҳс-мунозарани ўтказиш схемаси.

Мунозара машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва мазмуни	Фаолият	Ўқитувчи
1-босқич Тайёрлов	Мунозаранинг мавзусини аниқлайди, унинг мақсад ва вазифалари мунозара қатнашчилари эришиши керак бўлган натижани шакллантиради. Мунозарани керакли маромда ушлаб турадиган саволлар ва оралиқ хулосаларни тайёрлайди, уни ўтказиш тартибини дастурлаштиради: - мунозарани қандай ва нимадан бошлашни; - таълим олувчиларнинг барчасини мунозарада иштирок этишини қандай таъминлашни; - мунозарани қандай якунлашни ва аниқ тугалловчи хулосаларни тузишни.	
2-босқич Мунозарага кириш	Мавзуни аниқлайди, тузилишини, ўз мулоҳазаларини маълум қилади ва таълим олувчиларнинг ўз нуқтаи назарларини баён этишни таклиф этади. Мунозарани бошланганида қизиқтириш учун бир нечта тайёрланган саволларни бериш мумкин	
3-босқич Ишбилармон баҳслашув	Қуйидаги вазифаларни амалга оширади: - ажратилган вақт ичида улгуришни; - агар таълим олувчилар ўзгача фикрни баён қилсалар, бундай вазиятда воситачи бўлишни; - мунозарага ундашни; - фикрларни бўлаклаш ва мулоҳазаларни тақсимлашни; - муносабатларда маданийликни доимо таъминлаш	Ўз нуқтаи назарларини баён этадилар, таклифлар киради
4-босқич Хулоса	Айтиб ўтилган далиллардан энг муҳимларини қисқа санаб ўтади ва ажратади. Кўпчилик қатнашчиларнинг фикри билан ўхшаш бўлганларни ажратади. Ечилмаган вазифаларни айтиб ўтади, буни турли нуқтаи назарларни ёритишга қўшилган ҳисса деб баҳолайди	

Мунозара – таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Талаба томонидан «ўз сўзи» ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда талабалар ўз фикрларини ишонч билан очик айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари керак.

Мунозара усулидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланиш мумкин:

- янги билимларни шакллантириш;
- таълим олувчиларда у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, туб маъносига етишга ва (мотивация)ни таъминлаш;
- коммунактив кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларга ўз фикрида мустақкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ёрдам бериш;

Мунозарани ўқитиш талаблари ва қоидалари талабларга олинади.

- мавзу таҳлаб олинади;
- мавзуга иш режа тузилади;
- мавзунинг қисқача мазмуни берилади;
- мавзуга шу мунозарани ўтказишдан кўзланган мақсад белгиланади.

Мунозаранинг самарадорлиги бир қатор омилларга боғлиқдир:

- таълим олувчиларнинг тайёргарлигига, яъни ўз фикрини билдира олмаса, оппонентларни ишонтира олмаса, мунозара чалка шва қарама-қарши тус олади. Шунинг учун ўқитувчи таълим олувчиларда ўз фикрини аниқ ва равшан баён эта олиш қобилиятини шакллантиришга, саволларни пухта ва маъноли қилиб аниқ ифода этишга, муайян исботлар келтиришга эришиши лозим ва ҳ.к.;

- мунозарани фақат жамоада соғлом муҳит бўлгандагина, қатнашчилар бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлгандагина ўтказиш мумкин;

- мунозара мавзу фикр алмашиш учун мос бўлган ўқувчилар берилган мавзу бўйича етарли билимга эга бўлган тақдирдагина муваффақиятли чиқади.

«Бумеранг» интерфаол технологияси. Бумеранг технологияси – ўқувчи (талаба)ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиёт, материаллар билан ишлаш, ўрганилган материалларни сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи (талаба)ларни баҳолай олишга қаратилган.

Мазкур технологик машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган.

У турли мазмун ва характер (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашга имконият беради.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш мантиқий шакллантиришга имконият яратади; хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур интерфаол усули таълим билан бир қанча тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- ✓ - жамоа билан ишлаш маҳорати;
- ✓ - муомалалик;
- ✓ - кўникувчанлик;
- ✓ - ўзгалар фикрига ҳурмат;
- ✓ - фаоллик;
- ✓ - раҳбарлик сифатларини шакллантириш;
- ✓ - ишга ижодий ёндашиш;
- ✓ - ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш;

✓ - ўзини холис баҳолаш.

Тармоқлар (кластер) интерфаол технологияси. «Тармоқлар» интерфаол методи – ўқувчи (талаба)ни мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишга ўргатишга қаратилган.

Фикрлашнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчи (талаба)ларнинг бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллуқли тушунчага ёки аниқ фикрни эркин ва аниқ равишда маълум кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқланишларига ўргатади.

Мазкур интерфаол метод билан бир мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиш мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчи (талаба)ларни ушбу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклда ифодалашга ундайди.

«Кластер» методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш кўйидагича амалга оширилади:

Ўқувчи (талаба)лар гуруҳларга бўлинадилар ва уларга белгиланган вақт ичида мавзу бўйича қандай тушунчаларни ўзлаштирган бўлсалар, уларни қоғозга ёзиш вазифаси топширилади. Вазифани бажариш жараёнида фикрларнинг тўғри ёки нотўғрилигига аҳамият бермаслик, нимани ўйлаган бўлса, шуни ёзиб бориш талаб этилади. Ёзувнинг техник (орфографик, мантикий ва ҳ.к.) жиҳатларига эътибор бермаслик айтиб ўтилади. Фикрлар тугагандан кейин гуруҳ аъзолари тушунчаларни мантикий жиҳатдан бири-бирига боғлаб чиқади.

Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатни анъанавий «устоз-шогирд» ўзаро муносабатларига хос чуқур инсоний эҳтиромли асосларга олиб чиқиш – таълимни инсонпарварлаштиришнинг бош йўналиши бўлиб, таълим жараёни субъектларини ўзаро тушунишини ва ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундай ҳолатда ҳар бир ўқувчи фаолиятнинг муайян турида ўз қобилиятини намоён этиб, бошқаларга иштиёқ билан кўмаклашади. Ўзаро тушуниш муҳитида болаларни кучли ва бўш ўқувчига ажратиш бўлмайди, таъсирнинг бундай «омили» барҳам топади. Хўжакўрсин учун эмас, балки реал ўзаро таъсир тушуниш муҳитига ўқитувчининг ўқувчи шахси қадриятларини ва унинг ютуқларини англаб етиши орқали эришилади. Педагог шахснинг ривожланишини ўртача нормага қиёсламайди, у ўқувчининг ижодий ютуғи аҳамиятини ошириш ёки ҳар бир ўқувчи ўз имкониятидан умумий аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришиш йўлида имкон қадар унумли фойдаланиш орқали болаларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.

3.3.3. Маъруза машғулотларини ўқитиш методикаси.

Республика касб-ҳунар коллежларининг Агрономия (далашунослик) мутахассислиги учун «Дончилик» фанидан ўқув дастурида мавзулар режасининг 3-бўлими «Дуккакли дон экинлари» мавзуси бўлиб, назарий билимларга 8 соат, амалий билимларга 4 соат, жами 12 соат вақт ажратилган.

Дарс жараёнига тайёргарлил кўриш адабиётлар билан ишлашдан бошланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги ўқув адабиётларга қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

- касбга қизиқишни кучайтириш, уни мустақкам эгаллашга ва замонавий билимлар асосида рақобатбардош мутахассислар чиқишини таъминлаши;
- мустақил ва эркин фикр юритиш, масъулиятли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялаши;
- қайси фанга тегишлилигидан қатъий назар назарий билимлар амалиёт билан кенг боғлиқлигини таъминланиши;
- ўқувчида яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантикий бир тизимда берилиши;

- муайян фан соҳасига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, эстетик ва дизайн кўрсаткичларда илм-фан ютуқларини тасвирлайдиган кўргазмали маълумотлар - қурилма, аппаратлар ёки уларнинг маълум қисмлари ва бошқалар турли рангда берилишига эътибор қаратилиши.
- матнни тушунарли ва мантиқий усулда тузиш, ўрганиш жараёнини осонлаштириш учун расмлар, схемалар ва чизмаларни қўшиб жойлаштириш;
- дарсликда ўрганиладиган мавзу ва машғулотлар гуруҳда ўқувчиларнинг турлича қобилиятли эканликларини инобатга олган ҳолда берилиши лозим;
- ўқув материалида ўқувчиларни фаол бўлишга ва танқидий фикрлашга ундовчи ва уларнинг қизиқишларини ўзига жалб қиладиган жиҳатларнинг мавжуд бўлиши;
- фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликни таъминланиши;
- ўқувчилар мустақил ишлари учун амалий топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши;
- матнда атроф-муҳит, унинг ифлосланиш ва жамият саломатлиги муаммолари ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари акс эттирилиши;
- топшириқлар ва вазифалар кенг кўламли ўқувчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш имкониятини бериш;
- ўқув материалларининг, далиллардан намуналарга, намуналардан фаразга, фараздан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт-илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий кўникмага ўтишга йўналтирилганлиги;
- касбий характерга эга бўлган ва талабалар мустақил ишлашлари учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши керак.

Бўлимнинг назарий қисми мавзуларини ёритишда ўқитувчи маърузалар матнидан фойдаланади.

Маърузалар матни - фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр.

Ўқувчиларга бўлимнинг назарий қисми қуйидаги мавзуларни содда ва рагон тилда тушунтириши орқали етказиб берилади.

1-маъруза: Дуккакли-дон экинларининг умумий тавсифи.

Мавзуни ёритиш учун режа тузилади. Режага 2-3 та асосий саволлар киритилади.

Саволни ёритишда қуйидагича мақсад белгиланади: ўқувчиларга дуккакли экинларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ўрни, уларнинг турлари ва таркиби ҳамда улардан деҳқончиликда самарали фойдаланиш ҳақида маълумот бериш.

Қўйилган саволни баён этишда қуйидагиларга эътибор берилади: Дуккакли дон экинларининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини баён этиб, дуккакли дон экинлари деҳқончиликда учта асосий вазифани: ўсимлик оқсилли масаласини, дон етиштиришни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишни ҳал этишга ёрдам берадиган ва экологик тоза маҳсулотлар берадиган ўсимликлар эканлиги айтилади.

Ўсимлик оқсилли одам организмни таркибида зарур аминокислоталар бўлган оқсиллар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Дуккаклиларнинг дони моллар учун жуда қимматли концентрат озиқ ҳисобланади. Дуккаклиларнинг агротехникавий аҳамияти шундаки, улар кўп миқдорда ерда органик моддалар тўплайди, деҳқончиликдаги азот балансини яхшилайти ва уларнинг айримлари (лупин, нўхат, хашаки дуккаклилар) қийин эрийдиган фосфатларни ўзлаштириладиган шаклга айлантиради.

Дуккакли ўсимликлар илдиздаги тугунакларда ва ризосферада бўлган тугунак бактериялар (Ризобиум) ёрдамида атмосфера азотини бириктириб олиб, улар билан тупроқни бойитади.

М.В. Федоров маълумотларига кўра, лупин 400 кг гача, беда қарийб 140 кг, соя 150 кг атмосфера азотини ўзлаштирар экан.

Бугунги кунда ер куррасида дуккакли дон экинларининг майдони 135 миллион гектар ёки дон экинлари майдонининг 14 фоиздан зиёдроғини ташкил қилади.

Бизнинг мамлакатимизда дуккакли дон экинлари жуда кичкина майдонни эгаллайди. Маълумотларга кўра, энг катта майдонни нўхат ва соя ўсимликлари эгаллайди. Ловия, мош, фасол экинлари ҳам шахсий хўжаликларда узлуксиз экилиб келинади, аммо, улар ҳисобда йўқ. Дуккакли дон экинлари жуда қадимдан марказий Осиё мамлакатларида экилиб келинган. Нўхат қурғоқчиликка чидамли бўлгани учун ҳам лалми минтақаларда катта майдонни эгаллаб келади.

2-маъруза: Нўхат ва кўк нўхат экини.

Мавзуни ёритиш учун режа тузилади. Режага 2 та асосий саволлар киритилади.

Саволни ёритишда қуйидагича мақсад белгиланади: ўқувчиларга нўхат ва кўк нўзатнинг халқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ўрни, уларнинг биологияси, морфологияси, навлари, этиштириш технологияси ҳақида маълумот бериш.

Қўйилган саволни баён этишда қуйидагиларга эътибор берилади: Нўхат Марказий Осиёда кенг тарқалган бўлиб, жуда қадимдан экилиб келинади. Нўхатдан суюқ овқатлар, консервалар тайёрлашда фойдаланилади. Бугдой унига 10—15% нўхат уни қўшиб нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари тайёрлаганда уларнинг тўйимлилиги ортади.

Нўхат чорвачиликда, айниқса, чўчқачиликда оқсилли омихта ем сифатида ишлатилади.

Нўхатнинг 27 та тури бўлиб, шулардан фақат биттаси Марказий Осиёда кенг тарқалган. Марказий Осиё минтақасида жуда қадимдан экиб келингани учун тупроқда туганак бактериялари ҳам учрайди. Ўсиш даври 60-90 кунгача.

Нўхат иссиққа ва ёруғликка талабчан узун кун ўсимлигидир. Дуккаклилар ичида нўхат ҳаво ва тупроқ курғокчилигига энг чидамли ўсимлик ҳисобланади.

Нўхат учун дон экинлари, полиз экинлари ва кунгабоқар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Нўхатнинг ўзи ҳам бу экинлар учун яхши ўтмишдош экинлардан биридир. Алмашлаб экишда нўхат дон ёки полиз экинидан кейин экилса, ҳосилдорлиги 2-3 ц га юқори бўлади ва зараркунанда ҳашаротлардан кам зарарланади.

Нўхатнинг пишиш даври бошқа дуккаклиларга қараганда қисқа, биринчи дуккаги сарғая бошлагандан 3—4 кун ўтгач, дуккаклар пишиб етилади. Нўхат уруғлари тамоман пишиб етилгандан кейингина йиғиштириб олинади.

Кўк нўхат энг кўп тарқалган дуккакли экиндир. Дони озиқ-овқат, чорва молларига озуқа ва агротехникавий аҳамиятга эгадир.

Суғориладиган ерларда 20-40 ц/га дон 350-450 ц/га кўк масса ҳосил олинади. Ўзбекистонда нўхатни экин майдони унча катта эмас. Асосан суғориладиган, қисман лалмикор ерларда экилади.

Ўсув даври 70-100 кун, кечпишар навларининг 120-125 кун. Кўк нўхат намга анчагина талабчан ўсимлик. Ўзбекистонда кўк нўхатнинг Восток-55, Восток-85, Усатўй навлари экилмоқда.

Нўхатнинг ҳосили бир вақтда етишмайди. Аввал энг тўлиқ пастки дуккаклар, сўнгра юқоридагилари пишади, тупдаги ҳамма дуккакларни пишишини кутиб бўлмайди, чунки пастки дуккаклари донлари тўкилиб кетади. Донни эрталабки салқинда ўриш керак. Янчиб олинган нўхат, дон тозалаш машиналарида тозаланиб, нами 14-15% қолгунча қуришиб

шомоллатилган курук биоларда 1,2-2 м қалинликда ёйиб ёки қошларга солиб сақланади.

3-маъруза: Ловия ва соя экиннн.

Мавзуни ёритиш учун режа тузилади. Режага 2 та асосий саволлар киритилади.

Саволни ёритишда қуйидагича мақсад белгиланади: ўқувчиларга ловоя ва соя халқ хўжалигидаги аҳамияти, уларнинг биологияси, морфологияси, навлари, алмашлаб экишдаги ўрни, этиштириш технологияси ҳақида маълумот бериш.

Қўйилган саволни баён этишда қуйидагиларга эътибор берилади: Марказий Осиё аҳолиси ловияни жуда қадимдан озиқ-овқат учун ишлатиб келган. Ловиядан фақатгина озиқ-овқат саноатида эмас, балки ем-хашак сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Кўп миқдорда пичан кўк поя беради.

Ловиянинг дуккаги бошқа ўсимликлар дуккагига қараганда энг йириги ҳисобланади.

Екиладиган навлар: «Вигна штамбовая» - 661, «Ловия Гибридная - 7».

Ловия ўз биологиясига кўра иссиқсевар ўсимлик ҳисобланади, риволжаниши учун катта миқдорда иссиқлик талаб қилинади.

Ловия ёруғга талабчан, қисқа кунлик ўсимлик ҳисобланади. Соя жойларда ҳам яхши ўсади. экиш муддати кечиккан сари ўсимликнинг ўсиш даври қисқариб боради.

Ловия бошқа дуккакли ўсимликларга қараганда тупроққа унчалик талабчан эмас. Турли хил қора, қумоқ, соз, бўз ва бошқа хил тупроқ-ларда яхши ўсади.

Ловия дуккаклилар оиласига мансуб бўлганлиги учун кўп ўсимликларга яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ловиянинг ўзи учун қатор оралари ишланадиган ўсимликлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ловия минерал ўғитлардан фосфорли ўғитларга талабчан, азотли ўғитларнинг маълум бир қисмини ўзи тўплайди.

Ловия бизнинг шароитимизда фақат суғориладиган майдонларда ўстирилади, ўсиб ривожланиши ва ҳосил бериши учун бир ўсиш даврида 3000 м³ сувни талаб қилади. Такрорий экилганда экишдан олдин албатта суғориб экилади. Ловиянинг пастки барглари сарғая бошлаб, дуккаклари 60 фоизга етилганда, йиғиштиришга киришилади.

Соя ўсимлиги донидан халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланилади, ундан 300 га яқин турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, техника хомашёси ва ҳайвонлар, ипак қурти ҳамда қушлар учун озиқалар тайёрланади.

Соя дуккакли ўсимлик бўлиши билан бир қаторда, мой берувчи экин ҳам ҳисобланади. Мойида инсон организми учун зарарли моддалар йўқ.

Соя асосий экин сифатида экилганда гектаридан 25-30, мамлакатимизнинг илғор хўжаликларида 30 с, такрорий экилганда эса 15-20 с дон олинади.

Соя майдонлари ҳажми жиҳатидан дуккакли экинлар ичида энг катта майдон, яъни 62 млн гектарни эгаллайди.

Бу ўсимлик иссиқликка, намга, ёруғликка талабчан қисқа кунлик ўсимлик ҳисобланади. Соя унумдорлиги турлича бўлган тупроқларда ўсиши мумкин. Механик таркиби оғир бўлган соз тупроқларда уруғларининг униб чиқиши бирмунча кечикади.

Соянинг Дўстлик, Орзу, Узбекская-2, Узбекская-6 навлари иқлимлаштирилган.

Бу ўсимлик дуккаклилар оиласига мансуб бўлганлиги учун ўзи ва кўпгина ўсимликларга ўтмишдош ҳисобланади.

Сояни бизда такрорий экин сифатида ҳам экиш мумкин.

4-маъруза: Ясмиқ ва бурчоқ экини.

Мавзуни ёритиш учун режа тузилади. Режага 2 та асосий саволлар киритилади.

Саволни ёритишда қуйидагича мақсад белгиланади: ўқувчиларга ясмиқ ва бурчоқнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, уларнинг биологияси,

морфологияси, навлари, алмашлаб экишдаги ўрни, этиштириш технологияси ҳақида маълумот бериш.

Қўйилган саволни баён этишда қўйидагиларга эътибор берилади:

Ясмиқ экилиб келинаётган ўсимликлар ичида энг кадимгиларидан ҳисобланади. Ясмиқ жануби-ғарбий Осиёда жуда қадим замонлардан экилиб келинган. Ясмиқ ўз дони таркибидаги оқсил миқдори билан дон-дуккакли ўсимликлар ичида биринчилар қаторидан ўрин олади. Шунинг учун халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Таркибида оқсил бўлгани учун фақатгина озиқ-овқат сифатида эмас, балки ем-хашак сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ер юзида ясмиқнинг бешта тури учрайди, улардан асосан биттаси, яъни овқатга ишлатиладиган хўраки ясмиқ кўпроқ экилади. Ясмиқнинг иссиққа талабчанлиги ўртача.

Ясмиқ қисқа кунли ва узун кунли ўсимлик ҳисобланади. Унумдорлиги юқори, қора ва енгил соз тупроқда яхши ҳосил беради. Ясмиқ эрта баҳорда экилган бўлса гектарига 30 кг, P_2O_5 —Н 60 кг; K_2O 30 кг миқдорда ўғит бериш лозим. Ясмиқ экишнинг энг яхши усули кенг қаторлаб экишдир.

Поянинг пастки барглари сарғайиб тўкилиб, дуккаклари қота бошлаганидан сўнг ясмиқ ўсимлиги йиғиштириб олинади. СК-5, НИВА ва КЕЙС комбайнларида тўғридан тўғри йиғиштириб олинаверади.

Бурчоқ озиқ-овқат, ем-хашак ва техникавий экин сифатида экилади. Ҳозирги кунда Ҳиндистон, Афғонистон, эрон ва Туркияда кўплаб экилади. Марказий Осиё республикаларида ҳам экилади.

Бурчоқнинг ер куррасида 200 дан ортиқ тури учрайди, шундан фақат биттасигина маданий ўсимлик сифатида экилади.

Бурчоқ уруғлари 2°-3°С да униб чиқа бош-лайди. 5°-7°С да батамом униб чиқади. Униб чиқиш учун оптимал ҳарорат 20°С ҳисобланади. Бурчоқ учун кузги дон экинлари ва қатор оралари ишланадиган ўсимликлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Бурчоқнинг пастки дуккаклари сарғайиб пиша бошлагандан сўнг йиғиштиришга киришилади. Дуккаклари кўкнўхатга қараганда тез

ёрилмайди, лекин шунга қарамай тезроқ йиғиштириб олиш зарур. Пишган дуккаклари узоқ вақт ўрилмаса, чатнаб ёрилиб тўкилади. Бурчоқ экилган майдонлар эрталаб ёки кечқурун СК-5, НИВА ва КЕЙС комбайнлари билан ўриб олиниши лозим.

Донни ўришдан олдин комбайнларга махсус ўзгартириш киритиш лозим, бунинг учун бороналарнинг айланиши бир дақиқада 400—500 мартага туширилиши керак. Дон кирувчи ва тушувчи зазорлар кенгайтилиб, ўрувчи ўроқлар энг пастки нуқтага туширилади

3.3.4. Маъруза машғулотларини ўқитиш методикаси.

Ушбу маъруза машғулотнинг **мақсади:**

Донли экинларининг ҳаммаси морфологик жиҳатдан бир-биридан катта фарқ қилса ҳам, талайгина умумий биологик хусусиятлари бор. Шунинг учун бу ўсимликлар икки йўл билан ўрганилади: дастлаб уларнинг умумий биологик хусусиятлари билан, кейин эса ҳар бир турнинг хусусиятлари билан алоҳида танишиб чиқилади.

Дуккакли дон экинларига оид ўтказиладиган маъруза машғулотлари учун зарур ўқув материални жуда пухта тайёрлаш керак. Хилма-хил уруғ, мевалар, ўсимлик турлари, группалари, тур хиллари ва навларига тааллуқли гербарий материални тахт қилиб қўйиш билан чекланиб қолмасдан, шароит бўлса (иссиқхона ва бошқалар) янги ўсимликлар ўстириш ҳам лозим.

Машғулот давомида донли экинлар уруғига; майсасига; баргига; гуллаб турган ўсимликларига ва мевасига қараб аниқлашлар ўтказилади.

Шунингдек, дуккакли дон экинларининг ривожланиш фазалари устида **фенологик кузатишлар** олиб борилади. Дон экинлари - бошқа ботаник оилага мансуб булганлигидан уларнинг ривожланиш фазалари ҳам бошқача бўлади, майса чиқариш, шоналаш, гуллаш ва етилиш энг асосий фазалар ҳисобланади.

Юқорида тилга олинган ўқитиш методикаларини барчасини жамлаб, ўқувчилар учун инновацион педагогик технологиялар асосида тузилган

Ўқув-услубий мажмуалар яратилади ва ундан ўқув жараёнида самарали фойдаланилади.

Ўқув–услубий мажмуа (ЎУМ) – таълим-тарбия жараёнини тизимлашган кўрсатмаларини ўз ичига қамраб олувчи, амалиётда қўлланиладиган барча ўқув-услубий ҳужжатлари (ўқув режалар, фан дастурлари, ўқув-услубий қўлланмалар ва б.) тўплами бўлиб, мутахассисларни тайёрлашда дидактик бошқариш воситаси ҳисобланиб, таълим жараёнини тизимли-услубий таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган адабиётдир. ЎУМ педагогик тизимнинг мажмуий маълумот модели бўлиб, маълум даражада таркибини белгиловчи элементларини акс эттиради.

Фаннинг ўқув-услубий мажмуасининг асосий функцияси - ўқувчиларнинг фан бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ва мустақил билим олиш ҳамда меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлиши керак.

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси компонентлари ва ўқитиш методикасининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган ўқув дастурига мувофиқ аниқланади.

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси – фаннинг таркиби ва ўқитиш мазмуни, методикаси ва воситалари ҳамда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш методлари тўғрисида тўлиқ тасаввур қилишга имкон беради.

3.3.4.1-жадвал

«Дончилик» фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши:

Т. р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмун	Фаннинг ҳажми, соат			
		жами	маъруза	амалий машғулот- лар	Мустақил таълим
1.	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда фаннинг ўрни ва аҳамияти. Донли экинларнинг умумий ва морфологик тавсифи. Донли экинларнинг биологияси, ривожланиши	12	4	4	4
2.	Бугдой экини-аҳамияти, систематикаси, морфологияси, биологияси, технологияси	12	4	4	4
3.	Арпа- аҳамияти, систематикаси, морфологияси, биологияси, технологияси	6	2	2	2
4.	Жавдар,сули-систематикаси, морфологияси	4	0	2	2
5.	Маккажўхори- аҳамияти, систематикаси, морфологияси, биологияси, технологияси	12	4	4	4
6.	Шоли- аҳамияти, систематикаси, морфологияси, биологияси, технологияси	10	4	2	4
7.	Жўхори- аҳамияти, систематикаси, морфологияси, биологияси, технологияси	7	2	2	3
8.	Тариқ ва маржумак- аҳамияти, систематикаси, морфологияси, биологияси, технологияси	8	2	2	4
9.	Дон-дуккакли экинлар - уларнинг умумий тавсифи.	6	2	2	2
10.	Нўхат, кўк нўхат- систематика, морфология	4	-	2	2
11.	Соя- аҳамияти, систематикаси, морфологияси, биологияси, технологияси	8	2	2	4
12.	Бурчоқ, ясиқ - систематика, морфология	6	-	2	4
13.	Ловия- систематика, морфология	4	-	2	2
	ЖАМИ	99	26	32	41

14."ДОНЧИЛИК" ФАНИДАН МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1 - Мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда фаннинг ўрни ва аҳамияти. Донли экинларнинг умумий ва морфологик тавсифи. Донли экинларнинг биологияси, ривожланиши мавзусидаги маърузанинг ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Иш бочқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1.Ўқув машғулотида кириш босқичи- 5 дақ.	1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради. 1.2.Мавзу бўйича асосий тушунчаларни;мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади; 1.3. Ўқув машғулоотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлантириладилар, саволлар берадилар
2.Асосий босқич-70 дақ.	2.1.Тезкор-сўров/ савол-жавоб, ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштириш. 2.2.Маъруза/ семинар /амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади	Жавоб берадилар, ёзадилар Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар ва бош.
3.Якуний босқич-5 дақ.	3.1.Мавзу бўйича якун лаиди, қилинган ишлар ни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги, муҳим лигига талабалар эътиборини қаратади 3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайдилар,ўқув машғулоти нинг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади. 3.3.Мустақил иш учун топширик беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди	Ўз-ўзини ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар. Топширикни бажарадилар

1 - Мавзу. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда фаннинг ўрни ва аҳамияти. Донли экинларнинг умумий ва морфологик тавсифи. Донли экинларнинг биологияси, ривожланиши мавзусидаги маърузанинг ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Вақт- 2 соат</i>	<i>талабалар сони-60 та</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза
<i>Маъруза режаси/ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1.Ўзбекистонда дон етиштириш ҳолати 2.Донли экинларнинг умумий тавсифи 3.Донли экинларнинг келиб чиқиш марказлари 4. Органогенез босқичлари 5.Қишга чидамлилиги
<i>Ўқув машғулотнинг мақсади</i>	Мақсади - донли экинлардан уларнинг биологиясига асосланиб юқори ҳосил етиштириш усулларини ўрганиш ва бошқаришни ўргатишдир. Бунга эришиш учун экинларнинг биологик хусусиятлари, ривожланиш шароити, ташқи муҳитга талаби, экинларнинг физиологик хусусиятлари, экологик тоза маҳсулот етиштириш технологияларни муккамал ўзлаштириш лозим.
Педагогик вазифалар: 1.Ғаллачиликдаги ютуқлар билан таништириш 2.Донли экинларни ишлаб чиқишдаги аҳамияти ва эгаллаган ўрни ни аниқлаш ва таништириш; 3.Донли ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари билан таништириш	Ўқув фаолиятини натижалари: -ўсимлик турлари бўйича амалда майсаланиш, тупланиш даврларини аниқлайдилар, -даврларни таснифлайдилар; -даврлар бўйича ўсимликдаги фарқларни кузатадилар, -даврлар бўйича бажариладиган агротехника тадбирлари бўйича кўникмаларга эга бўладилар
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, ақлий ҳужум ва амалий машғулот
<i>Таълим шакли</i>	Гуруҳларда ишлаш
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, техника воситалари, презентация ва бошқ.
<i>Таълим бериш шароити</i>	Донлир ўсимликлар намуналари, боғламлари, тарқатма материаллар
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров:тезкор-сўров ва бош. Ёзма сўров: реферат, тест ва бош.

«Ақлий ҳужум» методининг асосий қоидалари:

- олғ сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;
- таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!
- Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир.
- Фикр билдириладиганда бўлма!
- Мақсад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
- Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунчалик яхши. Янги ва бебаҳо фикр ва ғоянинг пайдо бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади.
- Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
- Хаёллар «тузгинига» ижозат беринг.

- Бу муаммо фақатгина маълум усуллар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
- Фикрлар «ҳужуми»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга қатъиян риоя қилиниши шарт.
- Берилган саволга қисқача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

Ўқув топшириқлари

« Бугдой биологияси ва етиштириш технологияси» мавзусидан талабалар орасида ўтказиладиган блиц-сўров саволлари

1. Бугдойнинг аҳамияти, тарихи, экилиш минтақалари.
2. Систематикаси.
3. Биологияси ва етиштириш технологияси
4. Ўзбекистонда экиладиган навлари

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Клейковина, юмшоқ бугдой, қаттиқ бугдой, тур хили, кучсиз бугдой, кучли бугдой, қимматли бугдой, бақори бугдой, узун кун ўсимлиги, қисқа пояли бугдой, интенсив нав.

БББ Жадвали (Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим.)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1	Бугдойнинг аҳамияти, тарихи, экилиш минтақалари.			
2	Систематикаси.			
3	Биологияси ва етиштириш технологияси			

« Маккажўхори биологияси ва етиштаршп технологияси » мавзусидан
талабалар орасида ўтказиладиган блиц-сўров саволлари

1. Маккажўхорининг тарихи, келиб чиқиши, тарқалиши ва ахамияти.
2. Ботаник тавсифи.
3. Биологик хусусияти.
4. Ўзбекистонда экиладиган навлари ва дурагайлари.
5. Етиштириш технологияси

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Марказий ва Жанубий Америка, попук илдиз, қаво илдизлари, анемофил, эндосперм, шохсимон, унсимон, крахмалли, қандлик, мумсимон, бодроқ, тишсимон, кремнийсимон, пўстли, БЦ – 6661, Днепровский – 70 ТВ, УзРОС кремниситая, Ўзбекистон 306 ТВ.

БББ Жадвали (Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим.)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1	Маккажўхорининг тарихи, келиб чиқиши, тарқалиши ва ахамияти.			
2	Ботаник тавсифи.			
3	Биологик хусусияти			

« Шоли биологияси ва етиштириш технологияси » мавзусидан
талабалар орасида ўтказиладиган блиц-сўров саволлари

1. Шолининг ахамияти, келиб чиқиши ва экин майдонлари.
2. Ботаник тавсифи ва биологик хусусиятлари. Ўзбекистонда экиладиган навларининг таърифи.
3. Шоли етиштириш технологияси.

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Доннинг пўстлилиги, самарали қарорат, сув қатлами, ёруғликка талаби, кислородни етишмаслиги, шоли навлари.

БББ Жадвали (Биладан, билишни хоҳлайман, билиб олдим.)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
1	Шолининг ахамияти, келиб чиқиши ва экин майдонлари.			
2	Ботаник тавсифи ва биологик хусусиятлари. Ўзбекистонда экиладиган навларининг таърифи.			
3	Шоли етиштириш технологияси.			

« Дон-дукаҳли экинларнинг умумий тавсифи. Нўхат биологияси ва етиштириш технологияси.» мавзусидан талабалар орасида ўтказиладиган блиц-сўров саволлари

1. Дукаҳли дон экинларининг вакиллари, ахамияти, экин майдонлари.
2. Нўхат, соя, мош ахамияти, тарқалиши, биологик хусусиятлари, навлари
3. Суғориладиган ва лалми ерларда етиштириш технологияси.

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Тугунак бактериялар, фиксация, инокуляция, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар, хазмланадиган оксил..

4. ХУЛОСАЛАР

Биз «Дончилик» фанини илғор педагогик технологиялар асосида ўқитишни ташкил этиш юзасидан олиб борган ўрганишларимиз натижасида илғор педагогик технологияларнинг мазмун-моҳиятини, бугунги кундаги долзарблигини ёритдик ҳамда махсус фанларни ўқитиш жараёни бу технологияни қўллаш мумкинлиги ҳақидаги хулосага келик.

Ушбу фанни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали қуйидаги мақсадларга эриши мумкинлиги исботланди:

1. Таълимнинг мақсади реал, аниқ, диагностик бўлиши ва ўқувчининг ўзлаштириш сифатини ҳолисона баҳолаш;
2. Таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиши;
3. Таълим шаклларини оптималлаштириш;
4. Таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;
5. Таълим мақсадларини кўзланган эталон асосида ўқувчининг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида жуда ойдинлаштириш;
6. Ўқувчининг фаоллигига таяниб ўқитиш;
7. Билим ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш;
8. Таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги;
9. таълим самарадорлигининг юқорилиги;

Ўқув жараёни ўқиш ва билиш фаолиятига ўзгартиришнинг имкониятларидан бири муаммоли ўқитиш технологиясини татбиқ этиш. Чунки муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ўзларининг интеллектуал, жисмоний, маънавий имкониятларини ўқув ва амалий муаммоларни ечиш учун доим синовдан ўтказадилар. Бу жараёнда

ҳосил бўлган кўникма ва малакалар ахборот жамияти шароитларида яшаш учун зарур сифатларни шакллантиришга олиб келади. Шунингдек, ўқитишда илғор педагогик технолоигялардан фойдаланиш орқали талабаларда куйидаги хусусиятларни шакллантириб борилади;

- зарур билимларни мустақил эгаллашни, эгалланган билимларни турли муаммоларни ечишда маҳорат билан қўллашни;

- ахборотлар билан саводли ишлашни (маълум масалани тадқиқ қилиш учун зарур фактларни йиғишни билиш, уларни таҳлил қилиш, муаммоларни ечишга қаратилган гипотезаларни таклиф қилиш, қонуниятларни аниқлаш, янги муаммоларни аниқлаш ва ечиш);

- олинган билимларнинг қаерда ва қандай қўлланиши мумкинлигини аниқ билиш ва бу билимларни қўллаш соҳасини англай олиш;

- мустақил танқидий фикрлаш, реал дунёда пайдо бўлаётган қийинчиликларни кўра билиш ва уларни бартараф этишнинг оптимал йўлларини излаш;

- ижодий фикрлаш, янги ғоялар яратиш қобилиятига эга бўлиш;

- турли ижтимоий гуруҳларда киришимли бўлиш, биргаликда ишлашни билиш ёки ностандарт вазиятлардан чиқишни билиш;

- ўзининг маънавияти, интеллекти ва маданий салоҳияти устида мустақил ишлаш.

5. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида». — Т., 1997
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Таълим тўғрисида». — Т., 1997.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. — Т: Ўзбекистон, 2009
4. Каримов И.А. «Юксак малакали кадрлар — тараққиёт манбаи» Т..Ўзбекистон, 1996 йил.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008. -176 б.
6. И.А.Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги Халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан. — Тошкент, 2012 йил, 17 феврал.
7. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. — Т.: ТДПУ, 2000. — 52 б.
8. Атабаева Х. ва бошқ-Ўсимликшунослик -Т.Мехнат, 2000.
9. Атабаева Х.,Умаров З.-Ўсимликшунослик-практикум, Т.Мил.энц.,2004
10. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма. Замонавий таълим технология серияси. — Т.: “Иқтисодиёт” нашр., 2009. 206 б.
11. Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Образование: опыт, проблемы, перспективы. — Т., 2002.
12. Беспалько В.П. «Слагаемые педагогические технологии». - М. Педагогика 1989
13. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М.: «Педагогика» 2000 г.

14. Бордовская Н.В., Реан А.А. «Педагогика» Учебник для вўзов Санкт-Петербург «Питер», 2000 г.
15. Волжский А. Методика воспитательной работы с молодежью. – М., 2003.
16. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Ил\ор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий кўлланма. – Т., 2001.
17. Ишматов Қ. Ил\ор педагогик технологиялар фанидан маърузалар матни. Наманган. НамМПИ, 2000. – 84 б.
18. Ишматов Қ. Педагогик технологиянинг назарий асослари // Таълим муаммолари 1999. № 1-2, 54-57 б.
19. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А., Таълимда инновацион технологиялар Тошкент 2008
20. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т., Ўқитувчи, 2004.
21. Кларин М.В. «Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии». - Рига, 1995.
22. Кларин М.В. «Педагогическая технология в учебном процессе» - М.: Знание, 1989.
23. Мамажонов И. Касбий таълим услубиёти. Масалалар тўплами. – Т., 2005.
24. Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Масалалар тўплами. – Т., 2005.
25. Олий педагогик ўқув юртларининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишининг илмий асослари. Республика илмий-методик конференциясининг материаллари. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2000. 111 б.
26. Очилов М. «Янги педагогик технологиялар» / кўлланма. - Қарши: Насаф, 2000.
27. Орипов Р, Халилов Н – Ўсимликшунослик – Т.2008
28. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия».2004.

29. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. Москва 2003.
30. Саидахмадов Н., Очилов М. «Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси». - Т.: ХТБ РТМ, 1999.
31. Саидахматов М.С.Абухмонов О. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Т.1999 й.
32. Саидахмедов М.С. Янги педагогик технология моҳияти. Халқ таълими 1999 й. 1-сон.
33. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
34. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. – Москва: Школьная пресса, 2004.
35. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. Учебное пособие. – М.: Школьная Пресса, 2002.
36. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, эчимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. Т.Ўз ПФИТИ 1999 й.
37. Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари.-Т.: ТДИУ,2001.
38. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 йил.
39. Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. – Т., 2003.
40. Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т.2005.
41. Хўжаев Н., Шарипов Ш. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. – Т., 2005.
42. Якубжонов О. Турсунов С «Ўсимликшунослик» Т.2008 й.
43. Якубжонов О. Турсунов С «Дончилик» Т.2009 й.
- 44. Интернет сайтлар**
www.bilim.uz.
[http.philosophy.albertina.ru](http://philosophy.albertina.ru).
www.history.ru.
www.philosophy.com.